Даромадлар табақаланиши жараёни билан жамият ривожланишининг иқтисодий ва социал масалалари ўртасидаги узвий боғланиш ҳамда аҳоли даромадларини ўрганишда ҳудудий табақаланиш қоидаларини билишнинг аҳамияти ошиб боради. Бунда, табақаланиш тарзида ёндошишни реализация қилишда, шунчаки кишиларнинг фаолият натижалари ва сифати учун, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтиришда, улар олаётган даромадларнинг табақаланишини у кучайтиришга эришиш зарур эканлиги билан қаноатланиб бўлмайди. Чунки, биринчидан, табақаланиш ўз ички хусусиятларига эга бўлиб, уни бевосита тартибга солиб туришнинг иложи йўқ. Бунга, фақатгина тақсимот усуллари орқали аҳоли даромадларининг шаклланиши ва ишлатилиши жараёнига таъсир қилиб туриш мумкин (даромадларнинг дастлабки тақсимланиши, эҳтиёжларга мос ҳолда тақсимланиши, эҳтиёжларга мос ҳолда тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва охирги натижада якуний даромадларнинг ташкил топиши) ва бу билан аҳоли турмуш даражасининг умумий жиҳатларини кўрсатиб бериш имконияти

туғилади. Иккинчидан, даромадлар табақаланишининг иқтисодий ва социал жиҳатлари тақсимот муносабатларининг социал йўналиши ўз-ўзидан акс эттиравермайди. Бунда, нафақат даромадлар табақаланиши жараёнининг ўзини, балки табақаланишни келтириб чиқарувчи асосий омиллар (кишининг моҳият малакаси, мулкдорлик даражаси, шахснинг қобилияти ва имкониятлари, моҳиятнинг мураккаблиги натижавийлиги) таъсири эътибордан четда қолиши керак эмас. Чунки, даромадлар ташкил топишнинг ўзи омиллар мавжудлигига боғлиқ бўлади. Учинчидан, даромадлар табақаланишининг жорий ҳолатини эмас, балки унинг динамик ҳаракати ва такрор ишлабч иқаришнинг тарихий ривожланиш жараёни ҳолатига боғлиқ тарзда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, социал-иқтисодий ривожланиш турли хил объектив ва субъектив омиллар таъсирида бўлади ва бу тарихий тараққиёт мобайнида бир текисда амал қилмайди. Шунинг учун, ҳар бир даврга хос бўлган даромадлар табақаланиши ҳукум суради.

Даромадларнинг табақаланиш омиллари иш билан банд бўлиш даражаси, иш самараси, қўшимча пул топиш имкониятларидан фойдаланиш, ўз мулкини реализация эта олиш, оила миқдори, оила таркибида даромад топувчилар ва боқимандалар нисбати бўлиб, уларнинг таъсири ҳар хил йўналишда боради. Бу жараён социал гуруҳлар ва улар орасидаги кучли фарқланиш кўринишида бўлиб, нафақат иқтисодий, балки социал ўзгаришлар таъсирида боради. Бунда, табақаланиш жараёнига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар ўртасида оптимал нисбатни белгилаб туриш имконига эришилади. Жамиятнинг иқтисодий ривожланишининг юксалиб боришида амалдаги табақаланиш даражаси ва ҳолати ўзгариб боради.

Аҳоли даромадларининг табақаланиш даражаси турлича бўлиб, бу республика ҳудудлари ривожланиши хусусиятларидан келиб чиқади. Бу хусусиятлар асосан ишчи кучини такрор ишлабч иқариш жараёни билан боғлиқ бўлган жиҳатларни ўз ичига олади. Бу жиҳатлар қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- даромад топиш ва уни ишлатиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий шароитларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсири доирасида ҳам моддий неъматлар ва хизматларнинг истеъмол қилиш борасидаги эҳтиёжлар даражаси;
- аҳоли истеъмолига таъсир кўрсатувчи талаб ва таклиф нисбати, истеъмол бозорининг ҳолати ва нарх-наво даражаси;
- ҳудуднинг маълум ишлабчи иқариш соҳасига ихтисослашганлиги ишчи кучи миқдорининг ва малакасининг етарлилиги ҳамда қулай иқтисодий ва табиий иқлим шароитининг мавжудлиги;
- аҳолининг демографик ҳолати, унинг таркиби ва ишга қобилиятлилар нисбатининг турлилиги;
- аҳолининг шахсий имкониятлари ва қобилиятларини тўла реализация қила олишини ва бунга ҳукуқий кафолатларнинг берилиши, тадбиркорликнинг кенг қулоч очиб ривожланиши ва бошқалар.

Аҳоли даромадларининг табақаланиши қонуний жараён бўлиб, социал-иқтисодий шароитлар таъсирида ўзгариб боради. Табақаланиш даражаси ҳар бир ҳудуддаги истеъмол даражаси ва ҳаёт кечириш қийматига мос тушади. Чунки, ҳудудлардаги ҳаёт кечириш қиймати ўлчамлари бир хил даражада бўлмайди. Бунга, маълум ҳудудда шаклланган истеъмол таркиби ва товарлар баҳоси таъсир қилади. Бозорнинг ривожланиши объектив қонунларга бўйсунганидан, ундаги нарх-наво ўзига хос, ҳудудий хусусиятларга боғлиқ ҳолда шаклланиб боради. Бу эса ҳаёт кечириш қийматининг ҳудудий фарқланишига олиб келади. Ҳаёт кечириш қиймати маълум ҳудудий ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш хусусиятларига узвий равишда боғлиқ бўлади. Чунки, ишчи кучининг такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларга нафақат иқтисодий омиллар, шу билан бирга табиий-иқлимий шароитлар ҳам таъсир қилади. Табиий иқлимнинг оғир келиши билан ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш харажатлари ҳам ортиб боради. Шунинг учун, аҳолининг тасарруфидаги пул даромадлари табақаланиш даражасини белгилаш учун етарли бўлмайди, балки мавжуд

даромадларнинг ишлатилиши шарт-шароитлари орқали реал табақаланиш даражасини кўрсатиб бориш мумкин. Бундан ташқари, табақаланиш даражаси нафақат аҳолининг пул даромадларига, балки натурал тушумлар ҳисобига ҳам ўзгариб боради.

Аҳоли даромадлари табақаланишининг ҳосиласи сифатида турмуш даражасининг табақаланиши келиб чиқади. Инсон учун ҳар қандай фойдалилик даражаси турмуш сифатида ўз аксини топади. Даромадлар табақаланиши турмуш даражасининг фарқланиши билан бевосита боғлиқ бўлса-да, аммо даромадларнинг реализация қилиниш даражасига нисбатан иккиламчи ҳисобланади. Чунки, кишининг даромад топиши унинг шахсий имкониятлари ва қобилиятлари чегарасида амал қилади. Даромадларнинг табақаланиши аҳоли турмуш даражасининг миқдорий фарқланиши эмас, бундан ташқари турмуш сифатининг юксалиши, комил инсонни шакллантириш учун бир қатор шароитларни ҳам юзага чиқаришни тақозо қилади.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, ҳудудий шароитда даромадлар табақаланишининг умумий жиҳатлари қуйидаги қоидаларга боғлиқ деб қараш мумкин:

1. Меҳнатнинг фойдалилиги ва уни керакли жойда ишлата билиш имкониятларининг мавжудлиги. Бу актив фаолият қила олиш қобилияти ва ўз қобилиятларини реализация этиш учун иқтисодий шарт-шароитларнинг мавжудлигига боғлиқдир.

2. Киши меҳнатининг натижаларидан қатъий назар, унда даромад келтирувчи мол-мулкнинг мавжудлиги. Бунда мулкӣ таъминланганлик даражасидаги фарқ даромадларининг кучли табақаланишига таъсир қилади.

3. Бозор муносабатларининг тўла шаклланмаганлиги сабабли, даромадларининг кучли табақаланишига таъсир қилади.

4. Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг машғул бўлган тармоқлар таркиби хусусиятлари.

5. Нарх-навонинг ҳудудий фарқланиши ва ўзгариб туриши.

6. Табiiй-иқлим шароитларидаги фарқ ва ҳудуднинг географик жойланиши.

Турмуш даражасининг табақаланиши ҳолатида фақат жорий келиб тушадиган даромадларга нисбатан баҳо бериш етарли бўлмайди. Чунки, аҳоли йиллар мобайнида тўплаган мол-мулк ва истеъмол буюмлари билан ҳам жиддий фарқланадилар. Аҳолининг мулкӣй табақаланиши муаммолари ҳозирда мавжуд бўлган иқтисодий адабиётларда жуда кам ўрганилган. Оила истеъмолидаги мол-мулк тарихий тараққиёт мобайнида яратилиб борилади, оила-азоларининг даромадлари билан тўлдирилади ва бойиб боради. Чунки, оиладаги мол-мулк айнан оила аъзоларининг даромади орқали ташкил топган бўлиши шарт эмас, у меросга қолиши, ҳадя қилиниши орқали ҳам оила истеъмолига келиб тушиши мумкин. Шунинг учун, мулкӣй табақаланиш ҳам турмуш даражасининг табақаланишига жуда катта таъсир қилади. Масалан, агарда Сурхандарё вилоятида ҳар 100 оилага 58 дона тикув машинаси тўғри келса, бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 72 донани ташкил қилади. Рангли телевизор Тошкент шаҳрида ҳар 100 оилага 62 дона тўғри келса, Бухоро вилоятида 29 дона, ^аорақалпоғистонда эса 14 донага тўғри келади. Ваҳоланки, бу вилоятларда оиланинг ўртача даромадидаги фарқ тахминан 29 фоизни ташкил қилади. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, мулкӣй даромадлар табақаланишига нисбатан анча юқори ҳисобланади. Шунинг учун, аҳоли турмуш фаравонлигининг ўсишида мол-мулк ва жамғаришнинг ортиб боришига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган омиллар замирида, аҳоли даромадларининг ҳудудий табақаланиши ва турмуш даражасининг фарқланиши келиб чиқади. Кишилар ўзлари тасарруфидаги ресурсларни мустақил идрок қилиш доирасининг кенгайиб бориши жамиятда анчагина иқтисодий вазиятни вужудга келтиради. Табақаланиш омилларини ўз вақтида янгилаш ва уларга тўғри баҳо бериш, аҳоли даромадлари ва мол-мулк бўйича табақаланишни тартиблашда замон талабига янги усуллар билан ёндошиш иқтисодий ўсиш учун соғлом вазиятни келтириб чиқаришга хизмат қилади.

1.4. Оила хўжалиги харажатлари, таркиби ва мазмуни

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида оила микроиқтисодиёт субъект сифатида ўрганилаётган экан, унинг харажатларини ҳам ўрганиш, ҳар бир хусусияти жиҳатидан тавсифи ва таснифини келтириш мақсадга мувофиқдир.

Оила хўжаликларида харажатларни аниқ таснифи ҳозирча иқтисодий адабиётларда учрамайди. Аммо унинг таснифланиши ва таҳлилининг айрим хусусиятлари хусусида айрим фикрлар баён этилагн.

И.ф.н. Г.М.Шодиева оила хўжаликларида харажатлар, уларнинг таснифланиши уларнинг даромадларига боғлиқ эканлигини эътироф этади. Ҳақиқатда ҳам оила хўжаликларида харажатлар уларнинг даромадларига асосланади ва оила аъзоларининг таркиби, ёши, жинси ва бошқа қатор хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланади.

Микроиқтисодиётнинг бошқа субъектларидан харажат моддаларининг фарқланиши ҳам шундан иборатки, оила хўжаликларида унинг аъзолари эҳтиёжларидан келиб чиқувчи харажат моддалари мавжуд бўлади.

Оила хўжаликларида харажатларни таснифлаш учун иқтисодиёт назариясига мурожаат қилмоқ, ундан инсон эҳтиёжлари тавсифи ва таснифини келтириб ўтмоқ мақсадга мувофиқдир, деб ўйлаймиз. Негаки, эҳтиёжлар ҳар бир шахсга хос бўлиши билан бирга уларнинг умумийлик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, эҳтиёжлар айнан шу жиҳатлари бўйича умумлашади. Иқтисодиёт назариясига оид қатор адабиётларда эҳтиёжлар умумий ҳолда икки йирик гуруҳга ажратилиши эътироф этилган.

1. Моддий эҳтиёжлар.
2. Маънавий эҳтиёжлар.

Оила хўжаликларида оила аъзоларининг моддий эҳтиёжларини ейиш-ичиш, кийиниш ва физиологик нуқтаи назардан келиб чиқувчи қатор моддий

истаклари тарзида эътироф этишимиз мумкин. Маънавий эҳтиёжлар эса оила аъзоларининг маънавий истакларига боғлиқ бўлади (таълим олиш, кино, театр тамошо қилиш ва ҳ.к.).

Иқтисодий адабиётларда харажатларнинг тавсифи ва таснифи келтирилар экан, улар хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятнинг қайси соҳасида амал қилишига қараб бир-биридан фарқланиши таъкидланади. Масалан: ишлаб чиқариш корхоналари харажатлари ҳақида фикр юритилган Б.А.Абдукаримов ва бошқалар томонидан ёзилган «Корхона иқтисодиёти» олий ўқув юртлари талабалари учун дарсликда «Ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти моддий ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ»¹ дейилади.

Ишлаб чиқариш корхоналари харажатларнинг ҳиссаси маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг жами харажатлари маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил этади ва унга қараб ишлаб чиқарилаётган маҳсулот корхонага қанчага тушаётганлигини аниқлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатларни ҳам амалга оширади. Бундай харажатлар ишлаб чиқаришдан ташқари ёки тижорат харажатлари ҳам дейилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ корхоналарнинг харажатлари қуйидиги гуруҳларга бўлинади:

- маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;
- ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар;

¹ Б.Абдукаримов ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Т., «Фан». – 2005. – 210 бет.

- корхона умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган корхонанинг молиявий фаолияти бўйича харажатлар;
- фавқулотда зарарлар.

А.Т.³утбетдинов ва бошқалар томонидан ёзилган «Савдо иқтисоди» ўқув қўлланмасида савдо корхоналарининг харажатлари муомала харажатлари деб юритилиши ва муомала харажатлари деганда товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолга етказиш жараёнида сарф этиладиган моддий ва меҳнат сарфлари тушунилиши эътироф этилган (рус тилидан Д.Турсунова таржимаси). Муомала харажатлари моддалари савдо корхона ва ташкилотларнинг савдони қайси шакли ва тури билан ва қандай товарлар билан савдо қилаётганлигига боғлиқ бўлиши ҳам ушбу қўлланмада таъкидланган. Ушбу келтириб ўтилган харажатларни оила хўжаликларига ҳам хос дейишимиз мумкин. Чунки оила хўжаликлари ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам хизмат кўрсатишда, ҳам иқтисодиётнинг бошқа барча соҳаларида фаолият юритиши мумкин.

Оила хўжаликларида аъзолар сони ва таркибига кўра, даромадлар асосида харажатлар турлича бўлиши билан уларни таснифлашга умумлаштирувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Оила даромадлари шаклланиши ва табақаланишига бағишланган 1.3. параграфда келтирилган даромадлар схемаси асосида уларнинг харажатларини ҳам ифодалашимиз мумкин, яъни оила хўжалигида даромадлар қуйидаги йўналишларда сарфланиши мумкин (3-чизма).

Чизмада келтирилган айрим харажат моддалари оила хўжаликларининг кўпчилигига хос бўлмаслиги мумкин. Оила аъзолари ичида тадбиркор бўлмаган оилаларда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар бўлмаслиги мумкин. Шунинг билан бирга агар тадбиркор бўлса-да, у ҳуқуқий шахс сифатида расмийлаштирилган ҳолда фаолият олиб бораётган бўлса унда тадбиркорлик харажатлари алоҳида тарзда корхона ва ташкилотлар харажатлари сингари ифодаланиши мумкин.

Якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркор бўлган оилаларда харажатлар айнан 3-чизмадаги тарзда ифодаланади.

Бизнинг фикримизча, оила хўжаликлари харажатларини таснифлашда гуруҳли ёндошув ва ҳар бир гуруҳга хос харажат моддаларини алоҳида акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Чунки турли тоифага хос оила хўжаликлари харажатлари ҳам турлича



3-чизма. Оила хўжаликлари харажатлари таснифи

бўлади. Бутун дунё миқёсида қарайдиган бўлсак оилалар қуйидаги 4 гуруҳга ажратилади.

1. ^аашшоқ оилалар.
2. Камбағал оилалар.
3. ^йртахол оилалар.
4. Бой оилалар.

Биринчи гуруҳ оила хўжаликлари харажатлари таркибида энг катта улушга истеъмол харажатлари эга бўлади. Бу оила хўжаликлари даромадлари даражасидан келиб чиққан ҳолда 80 % дан 90 % гача етиши мумкин.

Истеъмол харажатларининг юқори улушлиликлари кузатилаётган оилалардан кўпчилик қисмини ташкил этиш мумкин. Бундай оила хўжаликларида асосан 1 киши, яъни оила бошлиғигина даромад олади ва бу даромаднинг ҳаммаси ойлик маошига тўғри келади.

А^аШда оилаларнинг 75 % дан ортиқ даромадлари истеъмол учун сарфланса қашшоқ ҳисобланади. Бундай оилаларни давлат ўз қармоғига олган ҳолда доимий нафақа билан таъминлаб туради. Ўзбекистонда ҳам биринчи ва иккинчи гуруҳ оилалари ёрдамга муҳтож оилалар саналади ва нафақалар бериб борилади.

Камбағал оилаларда ҳам даромадларнинг каттагина қисми (60-75 %) истеъмол моллари хариди учун сарфланади. Бундай оилаларда тадбиркорлик фаолияти ва жамғаришга йўналтирилган маблағлар бўлмайди.

Ўртахол оилалар деганда ўз даромадларини 40-60 % ни истеъмол моллари хариди учун сарф этувчи оила хўжаликлари тушунилади. Жамиятда мавжуд оила хўжаликларининг каттагина қисми (60-70 %) шундай оилалар ташкил этади.

Бой оилалар деганда даромадларини 40 % гача бўлган қисмини истеъмол моллари хариди учун сарфловчи оила хўжаликлари тушунилади. Бундай оилалар ривожланган мамлакатларда 10-14 % ни ташкил этади.

Республикамизда мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам айнан шундай бой оилалар сонини кўпайтиришга

қаратилгандир. Чунки бой бўлиш учун пул топа билишнинг ўзи етарли бўлмайди. Пулни топиш билан бирга уни ишлатиш ва сарфлашни ҳам билиш лозим.

Оила хўжаликлари харажатлари таснифида хизматлар учун тўловлар ҳам асосий ўрин тутати. Биз ушбу гуруҳ харажатларни иккита кичик гуруҳ ва уларнинг ҳар бирини алоҳида тарзда маълум моддаларга ажратдик. Бу гуруҳ харажатлар ҳам оилаларнинг аҳволидан келиб чиқиб кўпайиши ва камайиши мумкин.

Оила хўжаликлари харажатлари таркибида таълимга ажратилган харажатлар ҳам юқори ўрин эгаллаб бормокда. Собик СССР даврида таълим бепул бўлганлиги учун ҳам таълим олиш воситаларини сотиб олишга қилинадиган харажатларга эътиборсизлик билан қараб келинар эди. Эндиликда таълим муассасаларини тўлов-контракт шаклига ўтиши оила хўжаликларида таълимга ажратилаётган харажатларнинг ҳам ортишига олиб келди.

4 та фарзанди бўлган бир оила 1 фарзанди болалар боғчасига борса, 1 таси мактабда ва 1 таси олий ўқув юртида таълим олса, оиланинг таълимга ажратилаётган (сарф этилаётган) маблағларни оила бюджетига сезиларли таъсирини кўрсатади. Оила хўжаликларининг кўпчилигида фавқулодда вазиятлар, тасодифий харажатлар учун ҳам маблағ ажратмалари мавжуд бўлади.

Самарқанд вилоятида оила хўжаликлари харажатлари таркибини тадқиқ қилиш натижасида уларни 10 та гуруҳга бўлдик. Олинган натижалар қуйидагича (1.4.1-жадвал).

14.1-жадвал

**Самарқанд вилояти бўйича тадқиқ қилинган 304 та оила
хўжаликларида 2005 йилдаги харажатлар таркибининг 2004 йилга
нисбатан ўзгариши**

№	Кўрсаткичлар (оила хўжалиги харажатларининг турлари)	Харажатлар улуши, %		Фарқи (+;-)
		2004 йил	2005 йил	
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	56,1	56,6	+0,5
2	Нооziқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	8,9	9,3	+0,4
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	7,1	6,8	-0,3
4.	Коммунал хизмат тўловлари	4,4	4,7	+0,3
5	Соғломлаштириш ва тиббиёт хизматлари	2,3	1,5	-0,8
6.	Инвестицияга қўйган харажатлар (қимматли қоғозлар сотиб олиш, пулни банкага қўйиш, бошқа кишиларнинг фаолиятига шерикчилик асосида иштирок этиш учун пул қўйиш кабилар)	7,9	8,7	+0,8
7	Мулкларни ишлатишга кетадиган харажатлар (автомобил транспорти ва бошқа асосий воситаларни ишлатишга кетадиган харажатлар)	5,2	4,7	-0,5
8	Турли хизматлар учун кетган харажатлар (ҳаммом, сартарошхона, Кир ювдириш, кийим-кечакларни таъмирлатиш кабилар)	1,0	0,9	-0,1
9	Турли сафар харажатлари	1,9	2,1	+0,2
10	Интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга кетган харажатлар (ўқишга, репититорга, китоб сотиб олиш, мусиқа асбоблари ва бошқа маданий тадбирларга кетган харажатлар)	5,2	5,7	+0,5
	ЖАМИ	100,0	100,0	-

Изоҳ: Тадқиқот Г.М.Шодиева билан ҳамкорликда олиб борилди

II-боб. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ОИЛА ХЎЖАЛИКЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи

Ўтиш даврида маълум бир маъмурий-иқтисодий ҳудуднинг бирор соҳасига, ундаги фаолиятнинг ҳолатига баҳо беришда, ўша ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тавсифини бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ижтимоий-иқтисодий тавсиф орқали ушбу ҳудуд ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилинади.

Самарқанд вилояти Республикамизнинг марказий ҳудудида жойлашган бўлиб, Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятлари Тожикистон Республикаси билан чегарадош.

2005 йилда Самарқанд вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда 1000456,6 млн. сўмни ташкил қилди, ушбу кўрсаткич ўтган йилда 822189,7 млн. сўмни ташкил қилган эди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотни ўтган йилга нисбатан ўсиши вилоятнинг барча соҳаларида кузатилган. Буни биз қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

2.1.1 - жадвал

Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотнинг соҳалар бўйича ҳажми

млн. сўм

Тармоқлар	Амалдаги нархларда		Ўзгариши, %
	2004 йил	2005 йил	
Ялпи ҳудудий маҳсулот	822189,7	1000456,6	106,4
Солиқлар	55622,4	68849,7	106,4
Жами солиқларсиз	766567,3	931606,9	106,3
Шу жумладан саноат	69005,7	86039,3	106,1

Қишлоқ хўжалиги	407016,7	484266,7	106,0
Савдо ва умумий овқатланиш	61932,7	72440,8	106,0
Қурилиш	35719,1	42200,5	102,0
Моддий ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлар	80022,5	102307,0	114,0
Номоддий соҳалар тармоқлари бўйича	112870,6	144352,6	103,9

Манба: Самарқанд вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2005 йилда вилоятнинг барча тармоқларида 2004 йилга нисбатан ўсиш кузатилган ва бу ўсиш ўртача 106,4 % ни, яъни 6,4 % ни ташкил этган.

Республикамиз аграр-индустриал мамлакатлар қаторига киради. Буни биз вилоятда қишлоқ хўжалик соҳасининг улуши юқориликдан ҳам кўришимиз мумкин.

2.1.2 - жадвал

Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотда тармоқлар улуши

% ҳисобида

№	Тармоқлар	2004 йил	2005 йил	Фарқи (+;-)
1.	Жами	100,0	100,0	-
2.	Солиқлар	6,8	6,9	+0,1
	Шу жумладан			
3.	Саноат	8,4	8,6	+0,2
4.	Қишлоқ хўжалиги	49,5	48,5	-1
5.	Савдо ва умумий овқатланиш	7,5	7,2	-0,3
6.	Қурилиш	4,3	4,2	+0,1

7.	Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	9,7	10,2	+0,3
8.	Номоддий соҳа тармоқлари бўйича	13,8	14,4	+0,6

Манба: 2.1.1-жадвал асосида ҳисоб-китоб қилинди

Жадвал маълумотларидан кўриниб утрибдики, таҳлил қилинаётган ҳар икки йилда ҳам вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотнинг каттагина қисми қишлоқ хўжалигида яратилган 2004 йилда қишлоқ хўжалиги вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 49,5 % ни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб 1,0 % га қисқарган. Гарчи унинг миқдори 6,0 % га ошган бўлсада. Демак, бошқа соҳаларда ўсишнинг юқори бўлиши эвазига қишлоқ хўжалиги ўзининг 1,0 % лик улушини йўқотган.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши саноат ва моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари улушини ўсишини ижобий деб баҳолашимиз мумкин. Чунки моддий ишлаб чиқариш бозорни товар моддий бойликлари билан тўлдиришга хизмат қилади.

2005 йилни Президентимиз томонидан «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши ушбу йилда номоддий соҳаларни улушини ошишига туртки бўлди десак муболаға бўлмайди. Чунки ушбу йилда номоддий соҳа тармоқлари улуши 2004 йилга нисбатан 0,6 % га ўсган.

2005 йилда Самарқанд вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 54,5 % ни ташкил этган. Бу 2004 йил даражасидан 5,2 пунктга кўпдир. Хўжалик юритувчи субъектлар сони 2004 йил даражасидан 1,3 мингтага камайиб 26,1 мингтани ташкил этган. 2005 йил давомида 2,4 мингта корхона ташкил этилиб уларнинг 537 таси Самарқанд шаҳрига, 267 таси Пастдарғом туманига, 199 таси Жомбой, 195 таси Каттақўрғон ва 179 таси Ургут туманларига тўғри келади.

2005 йил давомида вилоятда молиявий аҳвол ҳам бир мунча яхшиланган. Шу йилнинг январ-ноябр ойларида фойда 24496,7 млн. сўмни ташкил қилиб 2004 йилнинг ушбу даврига нисбатан 128,2 % ни ташкил этган, яъни 5387,1 млн. сўмга кўпайган. Фойданинг катта қисми саноатга тўғри келган (42,7 %).

Савдо ва умумий овқатланишнинг улуши 2005 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида 7,2 % ни ташкил қилган ва 2004 йилдаги даражасидан 0,3 пунктга камайган. Умумий ҳолда эса савдо ва умумий овқатланишга 2005 йилда 72440,8 млн. сўм тўғри келиб 2004 йилга нисбатан 6,0 % га кўпдир. Ушбу соҳадаги бу тариқа ўсиши асосан нархларнинг ўсиш ҳисобига содир бўлган.

Республкамизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат самараси ўлароқ сўнгги йилларда бутун республкамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг ривожланиб бормоқда. Буни биз қуйидаги маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин (2.1.3-жадвал).

2.1.3 - жадвал

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши

% ҳисобида

Тармоқлар	2004 йил	2005 йил	Фарқи (+;-)
Жами	49,3	54,5	+5,2
Шу жумладан			
Кичик корхоналар ва микрофирмалар	20,5	23,0	+2,5
Хусусий бизнес	13,2	14,5	+1,3
Деҳқон хўжаликлари	15,6	17,0	+1,4

Манба: Самарқанд вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 54,5

% ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичнинг республикамиздаги ўртача даражаси 34 % эканлигини инобатга олсак бу жуда катта ижобий ҳолатдир. Ушбу субъектлар ичида кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши 2005 йилда 23,0 % ни ташкил этиб, 2004 йил даражасидан 2,5 % га ортиқдир. Умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари гуруҳига кирувчи барча субъектларнинг улуши 2004 йил даражасидан камида 1,0 % га ортгандир. Бунга сабаб қилиб вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, дастурларни изчиллик билан амалиётга тадбиқини келтиришимиз мумкин.

Вилоятда 2010 йилгача бўлган даврга вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш параметрлари белгиланган бўлиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вилоят иқтисодий ҳаётидаги улушини 2010 йилда 60 % га етказиш кўзда тутилган. 2005 йилда вилоятда чуқур тузилмавий силжишлар натижасида барча соҳаларда кенг ривожланиш юз берганини кузатишимиз мумкин (2.1.4-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотлари асосида 2005 йилни комплекс ривожланиш йили бўлди дейиш мумкин. Чунки вилоят макроиқтисодий кўрсаткичларининг барчасида ўсишга эришилган.

2005 йилда саноатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2004 йилдаги даражасидан 12,1 % га ўсган. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 5,5 % га ўсган. Бу аҳолига 13346,4 млн. сўм кўп истеъмол моллари етказиб берилганидан далолат беради. Автотранспортда юк ва йўловчи ташиш ҳам 2005 йилда ўсган.

2006 йил 1 июнидан бошлаб хусусий автотранспортларни махсус автотранспорт хизматини кўрсатувчи ширкатларга бирлаштирилиши ушбу кўрсаткични янада ошишига хизмат қилади.

2.1.4 - жадвал

Самарқанд вилоятида (2005 йилдаги) асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

Тармоълар	Ўлчов бирлиги	2005	Ўтган йилга нисбатан таъйяслама нархларда, фоиз кйсобида
Иътисодий кърсаткичлар			
Саноатда ишлаб чиъарилган маъсулот кажми	млн.съм	365619,7	112,1
Истеъмол моллари ишлаб чиъариш	млн.съм	256008,2	105,5
Асосий капитал инвестиция кажми	млн.съм	143737,3	87,9
Ъурилиш пудрат ишлари	млн.съм	78354,7	102,0
Юкларни автомобил транспорти оръали ташиш,	минг тонна	23522,1	107,7
Юк айланмаси,	минг тн. Км	626970,5	117,3
Йъловчиларни автобус ва такси билан ташиш	минг йъловчи	231135,1	120,9
Йъловчилар ташиш айланмаси,	минг йъловчи км	1796970,9	125,2
Чакана савдо айланмаси	млн.съм	438523,6	106,0
Пулли хизмат	млн.съм	127612,2	124,6
Шу жумладан:			
Маиший хизмат	млн.съм	22055,7	103,4
Ташъи савдо айланмаси	минг АЪШ дол.	238466,5	129,4
шу жумладан:			
Экспорт кажми	минг АЪШ дол.	147784,7	153,4
Импорт кажми	минг АЪШ дол.	90681,8	103,1
Ижтимоий кърсаткичлар:			
Аколи пул даромадлари	млрд. съм	717,9	122,0
Аколи жон бошига пул даромадлари	минг. Съм	205,5	111,8
Пул харажатлари	млрд. съм	684,9	121,1
Аколи жон бошига пул харажатлари	минг съм	195,2	110,0
Ъртача ойлик иш каъи *	съм	75651,6	175,4

Манба: Самарқанд вилояти Статистика Бошқармаси маълумотлари

2005 йилда ташқи савдо айланмаси сўнгги йиллардаги энг юқори кўрсаткичга етган. Ушбу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 29,4 % га ўсган.

Айниқса унинг таркибига кирувчи экспортнинг 53,4 % га ўсиши қувонарлидир.

Вилоят ташқи савдо айланмасини ўсиши унинг географиясини ҳам оширган. 2005 йилда 63 та хорижий мамлакатларга товар ва хизматлар, капитал экспорт қилинган бўлса 64 та мамлакатлар билан импорт операциялари амалга оширилган.

2005 йилда ижтимоий аҳволни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам бир мунча ортган. Ушбу йилда аҳоли жон бошига пул даромадлари 205,5 минг сўмни ташкил этиб 11,8 % га ўсган. Аммо бу ўртача ойлик иш ҳақлари ўсиш даражасидан бир мунча паст бўлган. 2005 йилда ойлик иш ҳақлари 2004 йил даражасининг 175,4 % ни ташкил этган. Ушбу йилда аҳоли пул харажатларининг ўсиши даромадларнинг ўсишига нисбатан юқорирак бўлган. 2005 йилда харажатлар 21,1 % га ўсган бўлса, даромадларнинг ўсиши юқорида таъкидлаганимиздек 11,8 % бўлган. Бу 2005 йилда аҳолининг жамғармаларга ажратган маблағлари миқдори камайганидан далолат беради. Қолаверса, 2005 йилда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам бир мунча ортган. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиши умумий ҳолда 24,6 % ни маиший хизмат моддалари бўйича эса 3,4 % ни ташкил этган.

2005 йил - «Сиҳат-саломатлик йили»да вилоятда доимий яшовчилар сони ўртача 2887,1 минг кишини ташкил этиб уларга жами 14647 та ўринга эга бўлган 113 та касалхона, 587 та амбулатория поликлиника муассасалари хизмат кўрсатган. Шунингдек, йил давомида 379 та фельдшер-акушерлик пунктлари ҳам аҳоли хизматида бўлган.

2005 йилда 15770 ўринлик 29 та мактаб ва 4870 ўринлик 82 та боғча фойдаланишга топширилган. Уларнинг бир қисми қайта капитал таъмирдан сўнг топширилган бўлса, асосий қисми янги кўриб битказилгандир.

2005 йилда ҳар минг кишига туғилиш 21,8 кишини, ўлим эса 4,9 кишини мос равишда табиий ўсиш 16,9 кишини ташкил этган. Туғилиш Қушрабод (30,0 киши) ва Нуробод туманларида (28,8 киши) вилоят ўртасидан анча юқори бўлса, Самарқанд шаҳрида (14,6 киши) жуда паст

бўлган. Умумий ҳолда 2005 йилда аҳолининг ўсиши кузатилган (ҳар минг кишига 49 киши).

2.2. Оила хўжаликлари харажатларини даромадлари билан қиёсий таҳлил қилиш

Иқтисодий муносабатларда янгича йўл тутилиши, яъни бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан ҳар бир соҳада бўлгани сингари оила хўжаликларида ҳам харажатларни таҳлил қилиш ва ривожлантиришни аҳамиятини орттириб борди.

Оила хўжаликларида харажатларнинг таҳлили бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бормоқда. Оилалар харажатлари кундалик ҳаётни тиклаш, эҳтиёжларини қондириш борасида турли хил моддий ва маънавий манбаларни харид қилишдан иборат. Оилаларнинг харид қуввати улар олаётган даромадларнинг миқдорига боғлиқ бўлади, даромадлар ошиб бориши билан харажатларнинг таркиби ҳам ўзгариб боради ва шу йўсинда оилалар бир-биридан фарқланиб боради. Лекин бу фарқланишлар нечоғлиқ даромадли бўлмасин, фикримизча оилалар харажатларининг бир умумийлик томони мавжудки у умуминсоний эҳтиёжларнинг мавжудлигидадир.

Кундалик турмушдан ҳар бир инсонга хос бўлган эҳтиёжлар овқат ейиш, кийиниш, коммунал хизмат харажатлари, маънавий озуқа олиш кабилардан иборатдир.

Оила хўжаликларида харажатларни таҳлил қилиш учун биз асосан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси ва Самарқанд вилояти Статистика бошқармасининг аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси маълумотлари ҳамда монографик тадқиқотлар натижасида (анкета сўровлари натижасида) олинган айрим маълумотлардан фойдаланамиз.

Йиллар	Аҳолининг пул даромадлари	Аҳолининг пул харажатлари ва жамғармалари	Даромадларнинг харажатлардан ортиқ қисми
2003	6490,4	6212,8	277,6
2004	7634,4	7561,1	73,3
2004 йилда 2003 йилга нисбатан, %	117,6	121,7	26,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли даромадлари ва харажатларида миқдорий ўзгариш кузатилган. 2004 йилда аҳолининг пул даромадлари 2003 йилга нисбатан 17,6 % га ўсган, харажатларнинг ва жамғармаларнинг ўсиши эса бир мунча юқорироқни ташкил этган. Аҳоли харажатлари ва жамғармалари 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 21,7 % га ўсган. Айнан шунинг ҳисобига даромадларнинг харажатлардан ортиқча қисми кескин пасайиб кетган. 2004 йилда даромадларнинг харажатлардан ортиқ қисми 73,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган 2003 йилга нисбатан 26,4 % бўлган. Ушбу ҳолатлар асосан 2004 йилда истеъмол харажатлари ва турли қўйилмалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олишга қўйилган харажатларнинг кескин ортиши эвазига содир бўлган. Ушбу ҳолатни биз қуйидаги 2.2.2-жадвалда янада яққол кўришимиз мумкин.

2.2.2- жадвал

**2004 йилда аҳоли даромадлар ва харажатлар балансининг таркибий
тузилиши**

Кўрсаткичлар	Суммаси, млрд. сўм	Таркиби (струк- тураси),%	2003 йилга нисбатан ўзгариши,%
Жами даромадлар	7634,4	100,0	117,6
Шу жумладан:			
Иш ҳақи ва корхоналардан бошқа даромадлар	2057,9	26,9	118,0
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан даромадлар	2223,9	29,1	115,5
Ижтимоий трансфертлар	983,7	12,9	132,8
Мулкдан тушадиган тадбиркорлик ва бошқа даромадлар	2369,8	31,1	113,9
Харажатлар ва жамғармалар	7561,1	100	121,7
Шу жумладан:			
Истеъмол харажатлари	5871,8	77,7	114,9
Мажбурий тўлов ва взнослар	598,7	7,9	118,1
Жамғармалар, қимматли қоғозлар сотиб олиш (валюта хариди билан биргаликда)	1087,8	14,4	183,3
Бошқа харажатлар	2,8	0	93,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

2004 йилда аҳоли даромадларининг салмоқли қисми тадбиркорлик фаолиятидан (жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан) ва мулкдан келган (жами даромадларда 60,2 %). Иш ҳақи ва корхоналардан келган бошқа даромадлар 2004 йилда умумий даромадларнинг 26,9 % ини ташкил этган. Ушбу турдаги даромадларнинг 2004 йилдаги ўсиши 2003

йилга нисбатан 18 % ни ташкил этган. Ижтимоий трансфертлар бўйича даромадлар 12,9 % ни ташкил этган.

Истеъмол харажатлари 2003 йилга нисбатан 14,9 % га ошиб, 5871,8 млрд. сўмни ташкил этган. Аҳоли харажатларининг ҳам асосий қисми айнан истеъмолга йўналтирилган харажатлардир. 2003 йилда ушбу модда харажатлари жами харажатларда 77,7 % ни ташкил этди.

Харажат моддалари ичида ўзининг салмоғи бўйича жамғармалар, қимматли қоғозлар сотиб олиш учун бўлган харажатлар иккинчи ўринни эгалламоқда. Уларнинг улуши 2004 йилда 14,4 % ни ташкил этиб, 2003 йилга нисбатан ўсиши 83,3 % ни ташкил этган. 2003 йилда ушбу тур харажатлар 9,2 % ни ташкил этган. 2004 йилда аҳолининг бошқа харажатлари 2,8 млрд. сўмни ташкил этган.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари 2004 йилда турли маъмурий ҳудуд, минтақа (вилоят)ларда турлича бўлган. Бу албатта ўша ҳудудлардаги аҳоли сони ва даромадларига боғлиқ ҳолда уларнинг истеъмол харажатларини турлича бўлишини таъминлаган. Буни биз қуйидаги 2.2.3-жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари, жумладан, истеъмол харажатлари ҳамда уларнинг даражаси турли ҳудудларда турлича бўлган. Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳарларида аҳоли харажатлари уларнинг даромадларидан ҳам юқори бўлган, яъни харажатларнинг даромаддан ортиқча қисми Бухоро вилоятида 2,6 млрд.ни, Наманган вилоятида 16,5 млрд. сўмни, Тошкент шаҳрида эса 326,6 млрд. сўмни ташкил этган.

2.2.3- жадвал

**Республика минтақаларида аҳоли даромадлари ва харажатлари
(млрд. сўм)**

Минтақалар	Пул даро- мадлари	Пул хара- жатлари ва жамғар-	Шундан истеъ-мол хара- жатлари	истеъмол харажат- ларининг жами
-------------------	------------------------------	---	---	--

		малари		харажат- лардаги улуши, %
Ўзбекистон Республикаси	7634,4	7561,1	5871,8	77,65
Қорақалпоғистон Республикаси	247,7	224,3	172,4	76,86
Вилоятлар:				
Андижон	657,2	654,4	572,6	87,5
Бухоро	388,3	390,9	303,2	77,56
Жиззах	194,7	176,3	141,0	79,97
Қашқадарё	541,7	462,8	372,8	81,63
Навоий	363,9	256,8	167,2	65,1
Наманган	375,6	392,1	319,0	81,35
Самарқанд	577,2	553,9	464,2	83,81
сурхондарё	408,0	347,1	288,3	83,06
Сирдарё	141,1	120,7	86,2	71,41
Тошкент	765,6	717,5	637,7	88,88
Хоразм	279,1	266,4	200,7	75,34
Тошкент шаҳри	1930,8	2257,4	1549,8	68,65

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

Республикаимиз вилоятларида аҳолининг истеъмол харажатлари суммаси ва даражаси ҳам уларнинг даромадларидан келиб чиқиб турлича бўлган. Аҳоли истеъмол харажатлари даражаси республикаимиз вилоятларида 65,1 % ва 88,88 % оралиғида тебранган. Истеъмол харажатларининг энг паст даражалари Навоий вилоятида (65 %) ва Тошкент шаҳрида (68,65 %) кузатилган бўлса, унинг энг юқори даражалари Тошкент вилояти (88,88 %) ва Андижон вилоятларида (87,5 %) кузатилган.

Биз тадқиқот қилаётган Самарқанд вилоятида ҳам истеъмол харажатлари даражаси анча юқори (83,81 %) бўлган.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари вилоят статистика бошқармаси қошидаги аҳоли турмуш тарзи ва вилоят Иқтисодиёт Бош Бошқармасининг Истеъмол бозори ва аҳоли турмуш тарзи бўлимларида ўрганилади. Улардаги маълумотлардан кўриш мумкинки, аҳоли турмуш тарзи, уларнинг даромадлари ва харажатлари таркиби бир мунча фарқланади. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин (2.2.4-жадвал).

2.2.4- жадвал

Самарқанд вилояти оила хўжаликлари ялпи даромадларининг таркибий тузилиши

Кўрсаткичлар	2004 йил			2005 йил		
	вилоят	шаҳар	қишлоқ	вилоят	шаҳар	қишлоқ
Ялпи даромадлар	100	100	100	100	100	100
Пул даромадлари	82,2	93,9	74,2	83,7	93,8	76,8
Иш ҳақи	28,6	39,2	21,4	29,6	39,9	22,5
Пенсия, нафақа, стипендия	15,7	17,3	14,6	15,8	17,1	15,1
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлар	18,0	7,9	24,9	17,4	5,8	28,3
Мулкдан тушган даромадлар	1,4	2,6	0,5	1,2	1,3	1,1
Тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромадлар	13,1	17,3	10,3	15,2	21,4	10,9

Бошқа пул даромадлари	5,4	9,6	2,5	4,5	8,3	1,9
Натурал кўринишдаги даромадлар	17,8	6,1	25,8	16,3	6,2	23,2

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

2005 йилда 2004 йилга нисбатан аҳолининг капитал пул даромадлари 17,6 % га ортди. Реал кўринишда даромадлар 16,0 % га кўпайди. Аҳоли реал даромадларининг ошишида асосий бўлиб макроиктисодий шароитнинг кўлайлиги, иктисодий ўсишнинг тез суръатларда ошиши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайганлиги, иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайганлиги ҳисобланади.

Ялпи даромад таркибида пул даромадлари улушининг ортиши аҳолини тўлов қобилятига таъсир қилди. Оила хўжаликлари бюджети таҳлиллари натижасига кўра ялпи даромадлар таркибида пул даромадларининг улуши 2004 йилдаги 82,2 % дан 2005 йилдаги 83,7 % га ортган. Натурал кўринишдаги даромадлар мос равишда 17,8 % дан 16,3 % гача қисқарди. Бундай тенденция меҳнатга ҳақ тулашнинг ортиши ҳисобига қишлоқ аҳолисининг даромадлари (2004 йилда 21,4 % да 2005 йилда 22,5 % га), ижтимоий трансфертларнинг (2004 йилда 14,6 % дан 2005 йилда 15,1 % га) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромадларнинг ортиши (2004 йилда 24,9 % дан 2005 йилда 25,3 % га) ҳисобига юз берди. Қишлоқ аҳолисининг пул даромадлари ошишининг асосий омиллари куйидагиларда ўз аксини топади:

- а) фермер хўжаликларига эътибор берган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизимининг такомиллаштирилиши;
- б) барча мулк шаклларида айниқса деҳқон хўжаликларида маҳсулотлар ҳосилдорлигининг ошганлиги;

в) учдан икки қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайганлиги.

Шу билан бирга, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг пул ва пул кўринишида бўлмаган даромадлари ўртасидаги сезиларли даражадаги фарқи сақланиб қолмоқда. Шаҳар аҳолисининг натурал кўринишидаги даромадлари 2005 йилда 6,2 % ни (2004 йилда 6,1 %) қишлоқ аҳолиси натурал кўринишидаги даромадлари 2005 йилда 23,2 % ни ташкил этди. Истеъмолни кондиришдаги натурал кўринишдаги даромадларнинг таъсирини устунлиги қишлоқ аҳолисида сақланиб қолмоқда, шаҳар аҳолисининг ялпи даромадларининг 40 %; ини иш ҳақи ташкил этмоқда.

Иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг ортиши аҳоли пул даромадлари улуши ортишининг асосий омили бўлди. Бюджет ташкилотлари ва идоралари ишчиларининг иш ҳақларини оширишга пенсия ва ижтимоий тўловлар, стипендияларни оширишга қаратилган давлат сиёсати ва «Сихат саломатлик йили» мақсадли дастурининг амалга оширилиши иш ҳақининг 18,0 % га, ижтимоий трансфертларнинг 32,8 % га ортишига олиб келди. Аҳоли даромадларида ижтимоий трансфертлар улушининг ортиши аҳолининг турли ижтимоий қатламлари орасидаги даромадлар фарқининг камайишини таъминлади. Шу билан бирга уларнинг истеъмол саватини тенглашишига олиб келди.

Аҳоли унинг ижтимоий даражаси билан боғлиқ кўрсаткичлар кўп ҳолларда аҳолининг жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларда ҳисобланади.

Самарқанд вилояти аҳолиси жон бошига даромадлари ва айрим модда харажатлари бўйича маълумотларни қуйидаги 2.2.5-жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

2.2.5- жадвал

Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига даромадлар

ва харажатлар

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2005 йилдаги ўзгариши, %	
					2003 йилга нисбатан	2004 йилга нисбатан
1	Аҳоли жон бошига пул даромадлари	182,4	202,8	205,5	112,7	101,3
2	Аҳоли жон бошига пул харажатлари	160,3	169,9	195,2	121,7	114,9
	шу жумладан					
-	пул хизматлари	24,9	31,5	44,2	177,5	140,3
-	уларнинг улуши,%	15,5	18,5	22,6	+7,1 пк	+4,1 пк
-	истеъмол харажатлари (аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси)	123,3	130,5	151,9	123,2	116,4
-	уларнинг улуши	76,9	76,8	77,8	+0,9 пк	+1,0 пк
3	Истеъмол харажатлари таркибида:					
-	озик-овқатлар	76,3	80,0	92,2	120,8	115,3
-	уларнинг улуши,%	61,9	61,3	60,7	-1,2 пк	-0,6 пк
-	ноозик-овқатлар	46,9	50,5	59,7	123,3	118,2
-	уларнинг улуши,%	38,1	38,7	39,3	+1,2 пк	+0,6 пк

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига ҳам даромадлар ва харажатлар 2005 йилда солиштирилаётган 2003-2004 йилларга нисбатан анча ўсган.

Самарқанд вилоятида аҳолининг пул даромадлари 2005 йилда 717,9 млрд. сумни, харажатлари эса 684,9 млрд. сўмни ташкил этган. Бу жон бошига даромадларни 205,5 минг сўм, харажатларни эса 195,2 минг сўм эканлигини кўрсатади.

2005 йилда аҳоли жон бошига пул харажатларининг ўсиши пул даромадлари ўсишига нисбатан бир мунча юқори бўлган. Шунинг учун ҳам истеъмол харажатлари ҳам пуллик хизматлар бўйича ҳам харажатлар 2003-2004 йилларга нисбатан анча ўсган. Аммо харажатлар таркибида бир мунча ўзгариш ҳосил бўлган. 2005 йилда истеъмол харажатлари жами пул харажатларини 77,8 % ни ташкил этиб 2003 йилга нисбатан 0,9 пунктга, 2004 йилга нисбатан эса 1,0 пунктга ортган. Бу нисбатан салбий ҳолат бўлиб, умумий харажатларда истеъмол учун сарфларнинг ошиши яхши кўрсаткич эмас. Бир мунча салбий ҳолат пуллик хизматларнинг ўсишида ўз ифодасини топган. 2005 йилда ушбу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 7,1 пунктга, 2004 йилга нисбатан эса 4,1 пунктга ошган.

Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига харажатлар ичида ижобий баҳо бериш мумкин бўлган кўрсаткич бу истеъмол харажатлари таркибининг ўзгаришидир. 2005 йилда истеъмол харажатлари таркибида ноозик-овқатларга жами истеъмол харажатларининг 39,3 фоизи сарф этилган ва бу кўрсаткич 2004 йилга нисбатан 1,2 пунктга 2004 йилга нисбатан эса 0,6 пунктга ортган. Бу албатта ижобий ҳолдир. Чунки истеъмол харажатларида ноозик-овқат товарларининг ортиб бориши унча мувофиқ ҳолда озик-овқат товарларининг суммаси ўсиши таъминланган ҳолда улушининг пасайиб бориши ижобий ҳолдир.

Биз ушбу магистрлик диссертация иши доирасидаги тадқиқотларимиз давомида анкета сўровномаси асосида оила хўжаликларида харажатлар моддаларини ўрганиб чиқдик. Анкета сўровларида Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларидан 35 та оила бошлиқлари ва Каттақўрғон, Оқдарё, Ургут ҳамда Қўшрабод туманларидаги қишлоқ аҳолисидан 65 та оила бошлиқлари катнашди (анкета сўровномаси илова қилинади).

Сўровларда турли туман оилалари бўлиб, улардаги аъзолар сони 3-10 кишини ташкил этди. Сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, оила хўжаликларида харажатлар моддалари оиладаги аъзолар сони ортгани сайин ортиб боради ва бир-биридан миқдорий жиҳатдан фарқланади. Буни биз қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

2.2.6- жадвал

Самарқанд вилояти бўйича кузатилган оилаларда даромадлар ва уларнинг тақсимланиши

Гу- руҳ	Оила аъзо- лари сони (киши)	Кузатилган оилалар сони (дона)		Бир оилага тўғри келадиган ўртача йиллик даромад (минг сўм)	Даромадларнинг тақсимланиш манбалари ва уларнинг улуши (улуш % да)
			шун- дан киш- лоқда		
1	2-3 ёш оилалар	30	15	1473,2	Аҳоли пул харажатлари 1397,8 шундан: - истеъмол харажатлари 68,7 % - пулли хизматлар 17,8 % - қимматли қоғозлар сотиб олиш ва жамғаришга қўйилмалар 2,7 - тасодифий харажатлар учун ажратмалар 1,8 - бошқалар 2,6
2	4-5	30	20	1896,0	Аҳоли пул харажатлари 1763,9 минг сўм шундан: - истеъмол харажатлари 70,3 - пулли хизматлар - 12,7 % - маиший харажатлар - 1,2 % - қимматли қоғозлар сотиб олиш ва жамғаришга қўйилмалар 5,3 % - тасодифий харажатлар - 1,5 - таълим харажатлари 8,2 - бошқалар 1,1 %
3	6,7	30	20	2424,6	Аҳоли пул харажатлари

					2378,7 минг сўм шундан: - истеъмол харажатлари - 72,2% - пулли хизматлар - 10,5 % - маиший харажатлар -0,9 % - қимматли қоғозлар сотиб олиш ва жамғаришга қўйилмалар 3,8 % - тасодифий харажатлар - 1,1 % - таълим харажатлари 10,3 % - бошқалар 1,2 %
4	8 ва ундан юқори	10	10	3843,1	Аҳоли пул харажатлари 3618,4 минг сўм шундан: - истеъмол харажатлари - 76,1% - пулли хизматлар - 8,4% - маиший харажатлар -0,7 % - қимматли қоғозлар сотиб олиш ва жамғаришга қўйилмалар 2,4 % - тасодифий харажатлар - 0,6 % - таълим харажатлари 11,8 % - бошқалар 0,6 %

Манба: Анкета суров маълумотлари асосида ишланган

Жадвал маълумотлари ва кузатиш натижалари шуни кўрсатадики, оила хўжаликларида харажатлар кўп жиҳатдан оила аъзолари сони ва таркибига боғлиқ бўлади. Айниқса, истеъмол харажатларининг улуши оиланинг умумий харажатлари таркибида оила аъзолари сони ортиши билан ортиб боради. Пуллик ва маиший хизматлар улуши эса пасайиб боради.

Қатор статистик маълумотномалар ва иқтисодий адабиётларда оилаларнинг таълимга ажратиладиган харажатлари умумий пуллик хизматлар таркибига киритилиб юборилади. Биз аҳамияти салмоғи жиҳатидан бир мунча юқори бўлган ушбу гуруҳ харажатлар юзасидан алоҳида олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки келгусида ушбу

гуруҳ харажатларни алоҳида ўрганиш лозим. Чунки эндиликда шаклланиб, ривожланиб келаётган пуллик таълим хизматлари барча ижтимоий қатламдаги оилаларга хос харажатлар қаторига киради.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, оилалардаги аъзолар сонини ортиши оила хўжаликларини қимматли қоғозлар сотиб олиш ва жамғаришга кўйилмалари ҳажмига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, яъни оила аъзоларини ортиши ушбу гуруҳ харажатлар улушини пасайиб боришига олиб келади. Ҳаттоки, айрим оилаларда жамғармалар учун маблағ етишмаслиги ҳам сезилади (кузатилган оилалардан 4 тасида шундай ҳолат мавжудлиги аниқланди. Уларнинг кўпчилиги 4-гуруҳга хос оилалардир).

Умуман хулоса қиладиган бўлсак, оила хўжаликларида харажатларни доимий таҳлилини ўтказиб бориш ва ҳаттоки ойлик ҳамда йиллик харажатлар сметасини тузиш мақсадга мувофиқдир.

2.3. Оила хўжалиги харажатлари таркибининг таҳлили

Иқтисодиёт субъектларида сарф харажаталр таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, харажатларнинг таркибининг таҳлили айниқса аҳамиятлидир.

Оила хўжаликларида харажаталр таҳлили икки йўналишда олиб борилади.

1. Харажатларнинг умумий ҳажми бўйича таҳлили
2. Харажатларнинг таркибий таҳлили

Аниқ хўжаликлари харажатларининг таркибий таҳлили амалга оширилганда харажатлар моддаларининг ва улар улушларининг ҳолати ҳамда ўзгариши тадқиқ қилинади.

Турли оила хўжаликларида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, харажат моддалари турлича бўлади. Бу кўп жиҳатдан оила аъзоларининг сонига боғлиқ бўлади. Буни биз қуйидаги 2.3.1-жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

2.3.1-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича кузатилган 304 та оила хўжаликлари харажатларининг оилалар сони бўйича 2005 йилда табақаланиши тақлили

T/ P	1 та оилада оила аъзола - рининг сони, киши	Кузатилган оилалар сони, бирликда	Оила-ларда одамлар сони, киши	1 та оилага тўғри келадиган 1 йиллик ўртача харажатлар миқдори, минг сўм	Оила-ларнинг умумий харажатлари, минг сўм (3қ х 5қ)	1 та оила аъзосига тўғри келадиган ўртача харажатлар миқдори, минг сўм
1	2	3	4	5	6	7
1	2	9	18	4841,4	43572,6	2420,7
2	3	13	39	5741,3	74636,9	1913,8
3	4	27	108	5351,2	144482,4	1337,8
4	5	56	280	4985,5	279188,0	997,1
5	6	69	414	5225,0	360525,0	870,8
6	7	43	301	5887,0	253141,0	841,0
7	8	32	256	6436,0	205952,0	804,5
8	9	37	333	6851,4	253501,8	761,3
9	10	23	230	7181,3	165169,9	718,1
10	11 ва юқори	18	198	7341,2	132141,6	667,4
	X	304	2177	59841,3	1912311,	X

					2	
--	--	--	--	--	---	--

Манба: Тадқиқот Г.М.Шодиева билан камкорликда амалга оширилган

Самарқанд вилоятида 304 та оила хўжаликлари кузатилган бўлиб, уларда аъзолар сони турличадир. Кузатилган оилалардан энг кўпи оила аъзолари сони 6 киши бўлган оила хўжаликларидир. Кузатилган 304 оиланинг 69 таси шундай оила хўжаликлари қисобланади ва улар сонининг улуши 19,01 % ни ташкил этади (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича кузатилган 304 та оилада яшаётган одамлар ва харажатларнинг 2005 йилдаги таркибий тузилиши

Т/Р	1 та оила аъзолари сони, киши	Кузатилган оилаларда одамлар сони		Оилаларнинг умумий харажатлари (6-устун)	
		Киши	Улуши, %	Суммаси, минг сум	Улуши, %
1	2	3	4	5	6
1	2	18	0,81	43572,6	2,28
2	3	39	1,79	74636,9	3,90
3	4	108	4,96	144482,4	7,56
4	5	280	12,86	279188,0	14,60
5	6	414	19,01	360525,0	18,85
6	7	301	33,82	253141,0	13,24
7	8	256	11,75	205952,0	10,76
8	9	333	15,29	253501,8	13,25
9	10	230	10,56	165169,9	8,64
10	11 ва юқори	198	9,09	132141,6	6,91
	X	2177	100,0	1912311,2	100,0

Манба: Тадқиқот Г.М.Шодиева билан камкорликда амалга оширилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузатилган оилалардаги одамлар сонининг, улар улушининг, оилаларнинг умумий харажатлари қамда улар улушининг кўрсаткичлари бўйича 6 кишилик оила хўжаликлари энг юқори кўрсаткичларни кўрсатмоқда.

Статистик кузатишларда қўлланиладиган танлаб кузатиш усулига асослансак, ушбу оила хўжаликлар бўйича нўртача кўрсаткичларни барча тўпламга, яъни кузатилган 304 та оилага ёйишимиз мумкин. Жами кузатилган оилалардаги одамлар сони 2177 кишини ташкил этиб, уларнинг 19,01 %, яъни 414 таси 6 кишилик оилаларда яшамоқда. Оилаларнинг умумий харажатларидаги улуши эса 18,85 % дир (бу қам энг йирик кўрсаткич).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 6 кишилик оила хўжаликларига бўлган оилаларнинг умумий харажатлари ушиб бораётган бўлса, ундан кейинги оилаларда пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган.

Биз 2.3-параграфда таъкидлаганимиздек, оила хўжаликларида озиқ-овқат мақсулотларига харажатлар анча юқори улушга эга. Буни биз қуйидаги 2.3.3-жадвал маълумотларидан қам кўришимиз мумкин.

2.3.3-жадвал

Самарқанд вилоятида кузатилган оилаларда озиқ-овқат мақсулотларига кетган харажатларни барча харажатлардаги улуши

Т/Р	Оила хўжаликларининг умумий харажатлари, минг сўм	Шу жумладан озиқ-овқат мақсулотларига кетган харажатлар		Озиқ-овқат мақсулот- ларининг 1 кишига тўғри келиши, минг сўм
		Сўммаси, минг сўм	Улуши, % (3:2.100)	
1	2	3	4	5
1	43572,6	6188,4	14,2	343,8
2	74636,9	10970,7	14,7	281,3
3	144482,4	35834,4	24,8	331,8
4	279188,0	94360,0	33,8	337,0

5	360525,0	146721,6	40,7	354,4
6	253141,0	109865,0	43,4	365,0
7	205952,0	105446,4	51,2	411,9
8	253501,8	175424,4	69,2	526,8
9	165169,9	117599,0	71,2	511,3
10	132141,6	103593,6	78,4	523,2
	1912311,2		47,0	X

Манба: Тадқиқот Г.М.Шодиева билан ҳамкорликда амалга оширилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, оила хўжаликлари умумий харажатларида оила аъзолари сонининг ортиши билан оила хўжаликларини озиқ-овқат мақсулотларини сотиб олишга қаратилган харажатлар улуши ортиб борган. Агар аъзолар сони 2 киши бўлган оила хўжаликларида озиқ-овқат мақсулотларига харажатлар 14,2 % ни ташкил этган бўлса, оила аъзолари сони 11 киши ва ундан юқори бўлган оила хўжаликларида 78,4 % ни ташкил қилган.

Қолаверса, оила аъзоларининг сонини ўсиши билан жон бошига озиқ-овқат мақсулотларига харажатлари ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Бундан Яна бир бор хулоса тариқасида таъкидлашимиз мумкинки, оила хўжаликларида харажатлар оила аъзолари сонига ва таркибига бевосита боғлиқ.

III-бoб. ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШ ШАРОИТИДА ОИЛА ХЎЖАЛИКЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

3.1. Оила хўжаликларида харажатларни бошқаришнинг жаҳон тажрибаси

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат аста-секинлик билан кучайиб, ўз таъсирини бутун жамиятга ўтказмоқда, шу жумладан оилага ҳам. Жамият тараққиёти, мамлакатлар иқтисодий даражаси кўп жиҳатдан уларда яшовчи оилаларнинг иқтисодий аҳволи билан белгиланди. Дунёнинг катор мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Италия, Япония, БАА, Мексика ва Бразилия каби омили сифатида оилавий бизнесни ривожланиши назарда тутилади. Ушбу мамлакатлардаги сингари оилавий оилавий бизнесга катта эътиборни

бир қатор мусулмон мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кўришимиз мумкин.

Оилавий бизнесда ташкил этилган бошқарув шу оиланинг келажақда жадал ривожланишига ва унинг рақобатбардош товар ишлаб чиқаришига замин бўла олади. Агарда оилада бошқарувни ташкил қилмаса, оилавий бизнес тез инқирозга учрайди. Бунга асосий сабаблардан бири оила аъзоларининг бошқариш жараёнида фикрларининг бир жойдан чиқмаслиги, айримларининг ишни юқори даражада ўрганмаганлиги бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам оилавий бизнесда бошқаришни оила аъзолари бир жойда ўтириб, маслаҳатлашиб, оила кенгашида ҳал қилиб олиши керак. Бу муаммони ечиш учун оила аъзоларининг ҳаммаси қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, розилигини беришлари шартдир.

Қатор ривожланган мамлакатлардаги ушбу ҳолатни кузатишлар шуни кўрсатадики, аъзолар ўртасидаги яширин кураш оилавий бизнесни тарқалиб кетиши ва инқирозга учрашига сабабчи бўлади.

Ривожланган мамлакатлардаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, оила хўжаликлари ишини юритишда кўп ҳолларда бизнесда юқори малака ва билимга эга бўлган махсус тайёргарликдан ўтган шахслар бошқарувни амалга оширишади. Бу шахс оила аъзоси бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Бошқарувдан ташқари қатор ишларда эса айнан оилага тегишли мутахассисларга мурожаат этилади (ушбу мутахассис кўпчилик ҳолларда оила аъзоси ҳисобланмайди). Бу оиланинг ҳуқуқий масалалари билан шуғулланувчи ёлланма адвокат, ёки махсус вакиллари бўлиши мумкин. Бизда эса айнан оила аъзолари ёки қариндош уруғлардан мутахассислар жалб қилинади.

Кўпчилик ҳолларда оилаларнинг кундалик харажатлари билан боғлиқ ҳисоб-китобларни олиб бориш уй бекаларига топширилади. Чунки айнан уларнинг кундалик харажатларни амалга оширади.

Иқтисодий тараққиётнинг юқори чуққиларига эришилган қатор мамлакатларда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари сингари хизматлар

соҳаси ҳам бир мунча тараққий этган. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлардан оила хўжаликларининг хизматлар учун тўловларининг улуши бир мунча юқоридир. Хизматлар учун тўловлар деганда айнан шундай оила хўжаликларида коммунал хизматлари, банк-молия хизматлари, юридик хизматлар билан бир қаторда уй хизмати ходимлари учун тўловлар ҳам назарда тутилади. Йирик оилавий бизнес ривожланган Япония ва Бразилияда уй хизмати ходимларига жуда катта вазифалар юкланиб улардан энг асосийси, бу - оила хўжалиги чиқимларини амалга ошириш ва ҳисобга олиб боришдир. Ушбу вазифага оиланинг барча аъзолари учун бир хил муносабатда бўлган киши тайинланади. У оила аъзоларининг кундалик эҳтиёжларини қондирилишини таъминлаш билан бирга оиланинг истиқболли харажатлар режасини ҳам ишлаб чиқади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича Японияда бир оилавий бизнес истиқболида минглаб оилалар тақдири ётади. Шунинг учун ҳам уни бошқарувчиларга жуда катта масъулиятни юклайди. Айнан Японияда оила хўжалиги харажатларига оилавий бизнес харажатларининг таркиби сифатида қаралади.

Европа мамлакатлари Швеция ва Германияда эса оилавий бизнес алоҳида оила хўжалиги иши алоҳида қаралади. Бу мамлакатларда оила хўжалиги харажатлари оилавий бизнес харажатларидан ажратилган ва оила аъзолари даромадлари ва харажатлари алоҳида ҳолда ҳисобга олиб борилади. Яъни оиланинг ҳар бир аъзоси оила бюджетигаги даромаднинг ўзига тегишли қисминигина сарфлаш имконига эга бўлади (шахсий эҳтиёжлари учун). Умум оилавий харажатлар эса ўртада тенг тақсимланади. Европа ва Америка қитъаси мамлакатларида фарзанд 18 ёшга тўлгандан мустақил ҳисобланиб ўз эҳтиёжларини қондирилишини ўзи маблағ билан таъминлаш зарур ҳисобланади. Айнан шу хусусияти билан ушбу қитъа оилаларидаги даромадлар ва харажатлар, эҳтиёжларнинг қондирилиш манбалари Ўзбекистондаги оилалардан фарқланади.

Республикамиз аҳолисида оиладаги фарзандни оёққа турғизиш фарз ҳисобланиб, ушбу фарз фарзандни никоҳ тўйини ўтказиб, мустақил оила сифатида ажаратиб чиқарилгунича давом этади. Кўпчилик ҳолларда эса ижтимоий жиҳатдан мустақил ҳисобланган ёш оилалар иқтисодий қарамликда, отасининг оиласига боғлиқ ҳолда ҳаёт кечиради. Яъни, оналар ўз фарзандлари оиласини алоҳида ажратиб чиқаргандан кейин ҳам уларнинг айрим харажатларига масъуллигича қолади. Ушбу хусусиятига кўра республикамиз оилаларининг турмуш тарзи Араб мамлакатларидаги ҳолатларга тўла мос келади.

Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби араб дунёси мамлакатларида оила харажатларини маблағ билан таъминлаш оила бошлиғига, яъни отага юкланади. Унда оталар нафақат фарзанд, балки ундан кейинги бир неча авлод вакилларининг ҳам тақдири учун масъулдирлар. Бу кўп жиҳатдан биз ва улар сиғинаётган «Ислом» дини ақидаларидан келиб чиқади. Динимизда отанинг фарзанд олдидаги бурчлари, фарзанднинг ота олдидаги бурчлари аниқ қилиб белгилаб қўйилганки, ушбу бурчларга ота ва фарзанд ўз олдидаги фарз деб қарашади. Бу бир томондан ўзаро қариндошлик риштасида бўлган бир қатор оилаларни иқтисодий боғлиқлигини, бир-бирига қарамлигини келтириб чиқарса, иккинчи томондан оилалар интеграциясини таъминлаб оилалар олдидаги муаммоларни биргаликда ечиш имконини беради.

Дунё мамлакатлари ичида хусусий ва якка тадбиркорлик кенг тарқалган мамлакатлардан бири Хитойдир. Хитойда 1,4 миллиардга яқин аҳоли истиқомат қилиб, дунёдаги энг кўп оилалар ҳам айнан шу мамлакатдадир. Хитойда оилалар фаравонлигига мамлакат сиёсати доирасида қаралади. Шунинг учун ҳам микроиқтисодиёт субъекти ҳисобланган оилалар доимий равишда давлат томонидан қўллаб-қувватланиб турилади. Хитойда оила ва унинг аъзолари эҳтиёжларини тўлароқ кондиришнинг ягона йўли сифатида ишлаб чиқаришни назарда тутишади,

яъни оилалар фаравон яшаши учун албатта маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиши керак дейилади.

Хитойда қишлоқ хўжалиги кенг тараққий этган бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан нафақат ўзининг аҳолиси эҳтиёжларини қондиради, балки экспорт ҳам қилади.

Ҳозирда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича энг етакчи ўринлардан бирини эгалловчи Хитойда ҳайдаладиган ерлар жон бошига 0,085 гектардан тўғри келади (1998 йил маълумоти). У ерда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг ва аҳоли даромадларини оширишнинг иккита модели ишлаб чиқилган бўлиб, булар «Цзясу» жануби тажрибаси, «Виянь Чжоу» округи тажрибасидир. Бу моделларда жамоа мулкига асосланган корхоналар бунёд этиш ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи кўп сонли оила хўжаликларини барпо этиш ғояси илгари сурилган ва амалга оширилган.

Хитой оилаларида оила бошлиғи эркак киши ҳисобланиб оилани бошқариш ва харажатларни амалга ошириш учун маблағ топиш унинг зиммасига юклатилади. Хитой оилаларида харажатлар бир маромлилик тамойилида амалга оширилади (асосий қисмида).

3.2. Вилоятдаги оила хўжаликларида харажатларни тартибга солишдаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари

Респубилкамиз, жумладан Самарқанд вилоятида ҳам оилалар кўп сонли аъзолардан ташкил топиб, унинг асосини ёш болалар ташкил этади. Ўзбек халқи болажон халқ сифатида дунёга машҳурдир. Шунинг учун ҳам оила аъзоларининг кўпчилиги фақат истеъмолчи сифатида оилавий ва иқтисодий муносабатларда иштирок этади. Ўзбекистонда мавжуд 5,1 млн. оилада 26 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилса, вилоятнинг 2887,0 минг аҳолиси 556 мингдан ортиқ оилаларда жипсланган.

Самарқанд вилояти аҳолисини асосини ўзбеклар ва тожиклар ташкил этади ва бу мамлакатларда оила бошлиғи асосан эркаклар ҳисобланади. Кўпгина оилалар аниқ бир сулола сифатида шаклланиб уларда бир неча авлод вакиллари истиқомат қилади ва оила бошлиғи ота ҳисобланади. Масалан, Челак шахрида истиқомат қилаётган Қаршиевлар оиласида 3 авлод вакиллари истиқомат қилиб оила бошлиғи Қаршиев Баҳодир (1951 йилда туғилган).

Кўп жиҳатдан адабиётларда оилавий бизнес иштирокчилари фақат оила аъзоларидан ташкил топиши эътироф этилади. Аммо ижтимоий муносабатлардан бизга маълумки бир сулолага мансуб бир неча оила бир хонадонда истиқомат қилиши ва бир бизнес билан шуғулланиши мумкин. Масалан: Ургут туманида истиқомат қилувчи Бахромовлар оиласи. Унда Бахромов Нормамат бобо ўз хонадонида уч ўғли уларнинг оиласи билан истиқомат қилади (12 та набираси бор) ва деҳқон хўжалигини юритади (Нормамат бобо номли).

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, оилавий бизнесни сулолавий бизнес деб аташимиз мумкин. Биз ушбу фикрни 2.3-параграфда ҳам эътироф этиб ўтган эдик.

Оилада оила бошлиғи даромадларни шакллантирувчи ва харажатларни бошқарувчи ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек оила даромадлари ва харажатлари кўп жиҳатдан ундаги аъзолар сонига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам оилалардаги харажатларни тартибга солиш ва бошқариш ундаги аъзолар ва улар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли усулларда амалга оширилиши мумкин. Оилалар сони қанчалик кўп бўлмасин, уларда инсонлар истиқомат қилишини инобатга олиб шунини алоҳида таъкидлаш керакки, харажатлар асосан эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлади. Айрим ҳолларда индивидуал (якка) эҳтиёжлар жамоавий эҳтиёжга айланиши сингари бир оила аъзосининг эҳтиёжи бутун оила эҳтиёжига ҳам айланиши мумкин. Аммо кўп ҳолларда оилаларда эҳтиёжлар

якка тартибда шаклланиб якка тартибда қондирилади. Шу билан бирга ҳар бир оилада оилавий эҳтиёжлар ҳам мавжуд бўлади.

Оиладаги эҳтиёж қандай шаклда бўлмасин (у оилавий ёки якка), уларнинг даромадларига боғлиқ бўлади. Оиладаги харажатларни бошқариш ва тартибга солиш муаммосини эҳтиёжларни бошқариш ва тартибга солиш муаммосига тенглаштириш мумкин. Чунки оила аъзолари ортиши билан уларнинг эҳтиёжлари ҳам турлича шакл олиб, турли ҳажм ҳосил қилди. Эҳтиёжларни чексиз ва чегарасиз эканлиги ва улар кўп жиҳатдан инсон фантазиясига боғлиқ бўлиб, уларни чегаралаш ва ўлчаш мумкин эмаслиги амалда исботланган. Аммо эҳтиёж пул билан таъминланмас экан у талаб бўла олмайди ва қондирилмайди. Шунинг учун ҳам оила харажатларини тартибга солиш ва бошқаришнинг эҳтиёжларни пул билан таъминлаш муаммосига тенглаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан оиладаги харажатларни тартибга солиш ва бошқариш муаммоси кўп жиҳатдан даромадларни ошириш орқали бартараф этилиши мумкиндек туюлади. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бўлиб, у ҳам бўлса эҳтиёжлар кўп жиҳатдан унинг асосидан келиб чиқишида намоён бўлади. Яъни айнан даромади юқорироқ оилаларда эҳтиёжлар каттароқ, даромади кичикроқ оилаларда эса эҳтиёжлар пастроқ бўлади.

Биз оила хўжаликларида харажатларнинг тавсифига бағишланган 1,4-параграфда оилаларни қашшоқ, камбағал, ўртаҳол ва бой оилаларга ажратиш мумкинлигини эътироф этгандик. Айнан шу гуруҳларнинг ҳар бирида оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондирилиш, яъни оила харажатларини амалга ошириш билан боғлиқ ўзига хос муаммоларни кузатишимиз мумкин. Нисбатан кам таъминланган, камбағал оилаларда харажатлар асосан бирламчи эҳтиёжларни қондириш, яъни истеъмолга қаратилган бўлса бой оилаларда харажатлар кўпроқ маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилади.

Бизнинг фикримизча, у камбағал оилами ёки бой харажатларни ҳар бир оилада харажатларни бошқариш, тартиб солиб турувчи алоҳида шахс

бўлиши лозим. Бундай масъулиятни оилалардаги оналарга юклаш мақсадга мувофиқдир. Чунки кундалик рузғорга зарурий ашёларни фақат уларгина тўғри ҳисоб қила олади. Қолаверса ҳар бир оилада ойлик даромадлар ва харажатлар балансини юритиш мақсадга мувофиқдир (ушбу ҳолат бир қатор ривожланган мамлакатлар оилаларида кузатилади). Чунки ойлик харажатлар миқдорини аниқлаш, келадиган даромад миқдори ва ўз навбатида жамғармалар ҳажмини аниқ белгилаш имконини беради.

Одатда оилаларда қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва умуман фонд бозоридаги харажатлар харажатлар эмас, балки жамғармалар тарзида эътироф этилади ва унга даромад манбаи сифатида қаралади. Иқтисодий табиатига кўра эса у ерда сарф этилган ҳар бир сўм харажат ҳисобланади. Чунки оила харид қилган қимматбаҳо қоғозларидан зарар кўришлари ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бизнингча оилалардаги қимматбаҳо қоғозлар сотиб олишга қаратилган маблағларни харажат сифатида қараш керак.

Биз оила хўжаликларида ҳар бир оила учун алоҳида тарзда (улар аъзоларининг сонидан келиб чиққан ҳолда) қуйидаги тартибдаги балансни юритишни таклиф этамиз.

Харажатларни ҳисоблашда аниқлик катта аҳамиятга эга. Айниқса, келгуси даврдаги (ойдаги) нархлар ўзгаришини инобатга олиш керак.

Истеъмол харажатлари таркибидаги озиқ-овқат товарлари бўйича харажатларни ҳисоблашда аниқ қайси озиқ-овқатлар харид қилиниши ва уларнинг миқдори физиологик норма талабларидан келиб чиқилса мақсадга мувофиқдир. Чунки оиладаги фарзанд тарбиясида ва кишиларнинг иш қобилиятларини тиклашда тўғри овқатланиш катта аҳамиятга эгадир.

3.2.1- жадвал

Самарқанд вилоятида кузатилган 6 кишилик 69 та оила хўжаликлари даромадлари ва харажатларининг 2005 йилги баланси

№	Даромадлар	Суммаси	№	Харажатлар	Суммаси
---	------------	---------	---	------------	---------

1.	Иш ҳақи	1574,5	1	Истеъмол харажатлари а) озиқ-овқат б) кийим-кечак ва бошқа нооziқ-овқатлар	2200,0 300,0
2.	Стипендия	106,3	2	Хизматлар учун тўловлар а) коммунал в) маиший ва бошқалар	40,0 152,0
3	Пенсия, пасобия	110,2	3	Таълим харажатлари	730,0
4	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан даромадлар	656,6	4	Қимматбаҳо қоғозлар ва даромад келтирувчи мулк сотиб олиш харажатлари	180,0
5	Тадбиркорлик фаолиятининг даромадлари	26796	5	Тадбиркорлик фаолияти ва мулкларни ишлатишга кетган харажатлари	1000,0
6	Қимматбаҳо қоғозлардан даромадлар	61,3	6	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	83,0
			7	Соғломлаштириш ва тиббий харажатлар	190,0
7	Мулкдаги даромадлар	642,0	8	Турли сафар харажатлари	350,0
	ЖАМИ:	5831,5		ЖАМИ:	5225,0
8	Харажатларнинг даромадлардан ортиқча қисми	-		Даромадларнинг харажатлардан ортиқча қисми	606,5
	БАЛАНС	5831,5		БАЛАНС	5831,5

Нооziқ-овқатлар хариди бўйича харажатлар кўп жихатдан мавсумий характерга эга харажатлар қаторига кириб, уларнинг миқдорини ҳисоблашда мавсумни инобатга олиш керак бўлади.

Хизматлар бўйича харажатлар оилаларда доимий харажатлар сирасига кирази. Уларни ҳисоблаш ҳам қийинчилик туғдирмайди. Чунки хизматлар бўйича харажатлар асосан тарифларнинг ўзгариши ҳисобигагина ортиши ёки камайиши мумкин. Оила харажатларида оиланинг келажагини

белгиловчи фарзандларнинг таълим олиши учун харажатлари катта аҳамиятга эга. Таълим олиш бўйича харажатлар таълимнинг шаклига қараб аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Х У Л О С А

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан иқтисодий тизилмада оила хўжалиги тушунчаси вужудга келди ва иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилина бошланди. Назарий тадқиқотлар шуни кўрсатадики оила хўжалиги билан боғлиқ «Оила», «Оила хўжалиги», «Оила тадбиркорлиги», «Уй хўжалиги» каби тушунчаларга турли адабиётларда турлича таъриф берилган ва бир мунча бир-бири билан чалкаштириб юборилган. Биз ишда ушбу муаммони ечишга ҳаракат қилган ҳолда мазкур тушунчаларнинг такомиллашган таърифини ишлаб чиқдик.

1. Тадқиқотлар натижасида оила хўжалигига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Оила хўжалиги деганда оила аъзоларининг ва бутун имкониятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳамда маълум даражада даромад (фойда) олиш учун ўз мулкига эга бўлган ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолиятларни амалга ошириш мақсадида бир-бири билан эр-хотинлик, болачақалик ва туғушганлик асосида бирга яшовчи кишилар гуруҳи тушунилади.

2. Уй хўжалиги деганда оила мулкига асосланган бир кичик гуруҳ кишилар ва бутун жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳамда маълум даражада фойда (даромад) олиш мақсадида ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш каби фаолият билан шуғулланиш учун бир оила аъзолари атрофида уюшган кишилар, шу жумладан ёлланган ходимлар гуруҳи тушунилади.

3. Оила тадбиркорлиги деганда оилавий мулк ва унинг таваккалчилигига асосланган оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кўзлаб қилинадиган фаолият тушунилади.

4. Назарий тадқиқотларимиз натижасида оила хўжаликлари харажатларининг таснифи ишлаб чиқилди. Оила хўжаликлари харажатларининг бугунги кундаги таркиби қуйидагилардан иборат эканлиги асосланди:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар
2. Нооziқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатлар
3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар
4. Каммунал хизмат тўловлари
5. Соғломлаштириш ва тиббиёт хизматлари
6. Инвестицияга қўйилган харажатлар
7. Мулкларни ишлатишга кетадиган харажатлар
8. Турли хизматлар учун кетган харажатлар
9. Турли сафар харажатлари
10. Интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга кетган харажатлар

5. Самарқанд вилоятидаги кузатилган оила хўжаликлари харажатлари таҳлили кўрсатдики, оила хўжаликларида харажатларнинг таркиби ва тузилиши уларни даромадларига ва оила аъзоларининг сонига боғлиқ экан.

6. Оила хўжаликларида 1 та оила аъзосига тўғри келадиган харажатлар ҳажми ва уларнинг таркиби тўлиғинча оила аъзолари сонига боғлиқлиги асосланди. Оила аъзолари қанча кўпайса озиқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатларнинг улуши ошиб бориш қонунияти сақланиб қолмоқда. Таҳлил қилинган оила хўжаликлари харажатлари таркиби 2004-2005 йилларда бир мунча ўзгарган. 2005 йилда оила хўжаликлари харажатлари таркибида истеъмол харажатлари улуши 77,8 % ни ташкил этади. Истеъмол харажатлари таркиби 2005 йилда солиштирилаётган 2003-2004 йилларга нисбатан яхшиланган. Чунки унда нооziқ-овқат

махсулотларини харид қилиш учун кетган харажатлар улуши 2003 йилга нисбатан 1,2 фоиз бандга, 2004 йилга нисбатан эса 0,6 фоиз бандга ортган.

7. Тадқиқотлар кўрсатдики, ҳали Самарқанд вилоятида оила хўжаликлари харажатларини яхшилаш бўйича анча муаммоларни ҳал қилиш лозим экан. Хусусан, оила хўжаликлари даромадларини ошириш, уларнинг ҳажмини озиқ-овқатга кетадиган харажатларнинг миқдорига нисбатан кескин ошириш эвазига мазкур харажатларни барча харажатлар таркибида 30-40 % ни ташкил қилишига эришиш лозимлиги асосланди.

Агар бизнинг тавсияларимиз хўжаликлари амалиётига жорий қилинса, ўйлаймизки, оилаларнинг фаравонлиги уларнинг ички имкониятлари эвазига ошганлигининг гувоҳи бўламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ўзбекистон Республикаси мулкчилик тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1990.
3. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1991.
4. Ўзбекистон Республикаси корхоналар тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1991.
5. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. Ўзбекистон Республикаси меънат кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчиларнинг қўлуқларини қимоя қилиш тўғрисидаги қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Ўзбекистоннинг янги қонунлари (тўпламлар). 1-17 тўплам. - Т.: Адолат нашриёти. Тегишли йилларда чоп этилган.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз таралқийёт ва истиқлол йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, илтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, малюлалар, суқбатлар. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
12. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бусафасида: хавфсизликга тақдид, барқарорлик шартлари ва таралқийёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.

- 15.Каримов И.А. Истиъллол йўли: муаммолар ва режалар Т.: «Ўзбекистон», 1992, 31 бет.
- 16.Каримов И.А. Ўзбекистон ильтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 54 бет.
- 17.Каримов И.А. Ўзбекистон ильтисодий ислоқотларни чуљурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 270 бет.
- 18.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва ильтисодий истиљболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 74 бет.
- 19.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмољда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 48 бет.
- 20.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон қаёт - пировард маљсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000, 77 бет.
- 21.Абдуллаев Ё.А. Бозор ильтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. - Меќнат, 1997.
- 22.Афанасева Т.М. Оила. Т.: Ўљитувчи. 1986.
- 23.Беркинов Б. Ислоқотлар негизида оила манфаати. «Мулкдор қафтаномаси» 1998, 13 феврал.
- 24.Байзаков М., Айтмуродова Р. Оила, бизнес ва маркетинг. Нукус «Қарақалпоғистон», 2004.
- 25.Баратов М. Мулк - моддий манба. // Ильтисод ва қисобот № 10, 35-бет.
- 26.Бобоев Қ. Мулк шаклларининг алољалари. // Қаёт ва ильтисод 1992, №5.
- 27.Вақобов В. Ўзбекистонда ижтимоий фанларнинг ривожланиш истиљболлари. // Ўзбекистон ильтисодий ахборотномаси. № 7, 200, 37 бет.
- 28.Жамолов Х. Занятность и малый бизнес. // Экономика и статистика. № 10, 1997, - стр. 68.
- 29.Журавлева О. Жезненный уровень населения: что это такое? // Экономика и статистика. № 2, 1997, - стр. 35.
- 30.Жумакулов Т. Мулк шакллари. // Ильтисод ва қисобот № 3-4 1996.
- 31.Жумахонов Ш. Аҳолининг жойлашуви муаммолари ва ечимлари. // Иқтисод ва ҳисобот. №12, 1996 йил, 68-бет.

- 32.Жўраев Ш. Мулкчилик шакллари. // Ўаёт ва ильтисод. 1992 - № 7.
- 33.Зайнутдинов Ш. Социальные проблемы переходного периода. // Экономика и статистика. № 1. 1997 стр. 55.
- 34.Имом Ўожи Ўабибулло Яшашни ўрганиш керак. // Ильтисод ва ўисобот № 6, 1997. - 48-51 бетлар.
- 35.Каримов Р.Ў., Каримова Т.А. Миллий модель муаммолари.-Т.: Ўзбекистон, 1993.
- 36.Каримова Д.М. Сектор «Домашнее хозяйство» в системе национальных счетов. // Экономика и статистика. № 2 1999. - стр. 66.
- 37.Каримова Д.М. Доходы население в рамках системы национальных счетов. // Экономика и статистика. № 7 1997. - стр. 14.
- 38.Каримова Д. Домашние хозяйства и малый бизнес. // Экономика и статистика Т. № 5 1998. - стр. 59-60.
- 39.Каримов Р. Азамат Зиё. «Ислоётлар ислоёт учун эмас, одамлар учун. // Ильтисод ва ўисобот. № 3, 1998. 12-17 бетлар.
- 40.Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Пер. с англ. М.: Прогресс, 1978.
- 41.Кенэ Ф. Избранные экономические произведения. М.: Соцэкгиз, 1960.
- 42.Комилова Ф. Аёоли талаби - асосий мезон. // «Ильтисодиёт ва ўисобот» 1996. № 7.
- 43.Махмудов О. Аёоли фаровонлиги йўлида. // Ильтисод ва ўисобот. № 9 1996.
- 44.Менкью Н. Григори. Принципы экономикс. Санкт-Петербург. Питер, 1999, - 784 бет.
- 45.Мукаммедов М.М., Атабаев М.Р. Стимулирование управленческого труда в кооперативной торговле. - Т.: Фан, 1984.
- 46.Набиев Ў. У Оилани боъади, бозорни тўлдиради. // «Ильтисодиёт ва ўисобот № 9. 1997. - 32 бет.
- 47.Нишонава М., Каттахўжаев М. Ишсизлик муаммоси: кичик корхоналар. // Ўаёт ва ильтисод. № 3. 1992.

- 48.Нуралиев Р. «Вовлечение частного сектора в финансирование развития экономики. // «Экономика и статистика» № 38, 1997 стр. 38.
- 49.Овчарова Л. и др. Бедность: где порог? // Вопросы экономики № 2. 1998 стр. 61-72.
- 50.Олейник А. Домашние хозяйства в переходной экономике: типы и особенности поведения на рынке. // Вопросы экономики №12, 1998. с. 56-66.
- 51.Олимжонов О.О. ва бошлалар. Ўзбекистон худудлари мустаъиллик йилларида. - Т.: Шаръ, 1996.
- 52.Отамирзаев О., Љаюмова А. Ўзбекистон ақолиси: деморгафик вазият ва сиёсат. // Иълтисод ва қисобот № 8, 1996.
- 53.Пардаев М.Љ. Бозорли иълтисодиёт шароитида меқнатга оид тушунчалар. - Самаръланд, СамКИ, СВБАА, 1997
- 54.Пардаев М.Љ. Корхонанинг меқнат потенциали тақлили. - Самаръланд, СамКИ, СВБАА, 1997.
- 55.Пардаев М.К. Шодиева Г.М. Лойиқа тақлилида оила мулки. (Маъруза матни). - Самаръланд, СамКИ, 1999. - 40 бет.
- 56.Пардаев М.К., Шодиева Г.М. Лойиқа тақлилида оила даромадини инфляция шароитида бақолаш ва тақлил лъилиш усуллари (Маъруза матни). - Самаръланд, СамКИ, 1999. - 21 бет.
- 57.Пардаев М.К. Иълтисодий тақлилнинг предмети, методи ва унда лъўлланиладиган усуллар (Маъруза матни). - Самаръланд, СамКИ, 1999 - 43 бет
- 58.Пардаев М., Тўраев Љ. Ишчи кучи лъиймати ва адолат. // «Иълтисод ва қисобот» № 2. 42 бет.
- 59.Пардаев М. Маълсад - халъ фаровонлиги. // «Иълтисод ва қисобот» №6, 1996.
- 60.Расулов М. Бозор иълтисодиёти асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 61.Рақимова Д. Меқнат бозори ақоли ижтимоий қимояси. // «Иълтисод ва қисобот» № 9-12, 46 бет.

- 62.Рўзиева З. Камбағал бўлишга қальлимиз йўль. «Қаёт ва ильтисод» № 2.
- 63.Самуэльсон П.А. Экономика. - М.: МГП. «Алтон», ВНИИСИИ, 1992.
- 64.Тўхлиев Н., Ўзбекистон ильтисодиёти. - Т.: Ўлитувчи, 1994 ва 1998.
- 65.Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. - Т.: Ўомуслар Бош тақририяти, 1993.
- 66.Турсунова Д. Оила иқтисоди. Самарқанд, СамКИ, 2003.
- 67.Турсунова Д. Оиланинг моҳияти ва давлатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги социал сиёсатининг йўналишлари. СамДТИ талабаларининг «Тиббиёт фани ва иқтидорли ёшлар» номли илмий конференцияси материаллари. Самарқанд, 2005.
- 68.Турсунова Д. Оила харажатларига ажратилган маблағларнинг таснифланиши. СамДТИ талабаларининг «Тиббиёт фани ва иқтидорли ёшлар» номли илмий конференцияси материаллари. Самарқанд, 2005.
- 69.Қакимова М. Роль государства в развитии социального сектора. // Экономика и статистика № 4, 1998, - стр. 73-74.
- 70.Холмухаммедов У. Семейное предпринимательство в условиях современных рыночных отношений. // Экономика и статистика № 8, 1998, - стр. 63-65.
- 71.Хайитов А. Оиласи бой жамият - фаровон жамият. // Савдогар. 1999, 12 октябрь.
- 72.Хаитов А. Ақоли даромадларининг шаклланиш хусусиятлари. // Ильтисод ва қисобот № 9, 57 бет.
- 73.Худайбердиев Э. Мекнатда бандликнинг назарий тавсири. // Ильтисод ва қисобот № 6, 1997. - 72 бет.
- 74.Хорижий мамлакатлар бозор ильтисодиёти моделлари. - Т.: ТДИУ, 1994.
- 75.Чжен В.А. ва бош. Бозор ўонунияти асослари. - Т.:«Бизнес каталог», 1996.
- 76.Шарифхўжаев М. Истиъллол истиълболлари. - Т.: Ўзбекистон, 1994.
- 77.Эгамов Э., Исмоилов А., Қасанов Р. Ақоли даромадлари табаъланиши. // Ильтисод ва қисобот. № 10, 1997. 44-46 бетлар.

- 78.Эркинова Ф. Методологические основы определение малообеспеченности населения. // // Экономика и статистика № 1, 1998, - стр. 11-12.
- 79.Экономика предприятия. Пер. с нем.- М.: ИНФРА - М, 1999 - 928 с.
- 80.Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иљтисодиёти. Љисљача луђат-маљлумотнома. Љомуслар бош таќририяти, 1991.
- 81.Ўлмасов А. Иљтисодиёт асослари. // Меќнат, 1997 - 192 бет.
- 82.Ўлмасов А. Оила иљтисоди. // Меќнат, 1998.
- 83.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иљтисодиёт назарияси. Т.: Меќнат, 1996.
- 84.Ўзбек тилининг изоќли луђати. М.: «Русский язык», 1981, 1 том. 526 бет.
- 85.Ўзбекистон Республикаси иљтисодиёти. Тузувчи муаллиф Н.Тўхлиев. - Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1998.
- 86.Љурбонов Ш. ва бошљалар. Баркамол авлод орзуси. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги публицистик мулоќазалар. Т.: Шарљ, 1998. - 184 бет.

И Л О В А Л А Р :

1-илова

Самарқанд вилоятида кузатилган 304 оиланинг 2 кишидан иборат 9 та оиласи бўйича 2004-2005 йиллардаги харажатлари таркиби

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар (оилавий харажатлар турлари)	2004 йил		2005 йил		Фарқи (+;-)	
		миқ-дори минг сўм	улу- ши, %	миқ- дори минг сўм	улу- ши, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кечадиган харажатлар	662,01	15,1	687,48	14,2	+25,47	+3,85
2	Нооziқ-овқат маҳсулотларига кечадиган харажатлар	489,8	11,18	500,5	10,3	+10,7	+2,18
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	46,9	1,07	47,8	0,9	+0,9	+0,6
4	Каммунал хизмат тўловлари	65,2	1,49	66,4	1,3	+1,2	+1,84
5	Соғломлаштириш ва тиббиёт хизматлари	198,3	4,52	203,3	4,2	+5,0	+2,52
6	Инвестицияга қўйилган харажатлар	315,7	7,2	326,8	6,7	+11,1	+3,51
7	Мулкларни ишлатишга кечадиган харажатлар	1333,09	30,4	1699,52	35,1	+366,43	+27,49
8	Турли хизматлар учун кетган харажатлар	224,1	5,11	238,3	4,9	+14,2	+6,33
9	Турли сафар						

	харажатлари	329,3	7,51	345,6	7,1	+16,3	+4,95
10	Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш-га кетган харажатлар	719,8	16,42	725,7	15,3	+5,9	0,82
	ЖАМИ	4384,2	100	4841,4	100	+457,2	

Изоҳ: Маълумотлар Г.М.Шодиева тадқиқотларидан олинган

2-илова

Самарқанд вилоятида кузатилган 304 оиланинг 3 кишидан иборат 13 та оиласи бўйича 2004-2005 йиллардаги харажатлари таркиби

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар (оилавий харажатлар турлари)	2004 йил		2005 йил		Фарқи (+;-)	
		миқ- дори минг сўм	улу- ши, %	миқ- дори минг сўм	улу- ши, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	560,0	11,7	843,96	14,7	283,96	+50,7
2	Нооziқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	2000,0	41,8	2233,35	38,9	233,35	-12,6
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	30,0	0,6	45,93	0,8	15,93	+53,2
4	Каммунал хизмат тўловлари	80,4	1,7	86,119	1,5	5,719	-7,1
5	Соғломлаштириш ва тиббиёт хизматлари	500,0	10,5	953,05	10,6	453,05	90,6
6	Мулкларни ишлатишга кетадиган харажат (автомобил транспорт ва бошқа)	840,4	17,6	1067,87	18,6	227,87	+27,1
7	Турли хизматлар учун кетган харажатлар	120,0	2,5	86,11	1,5	-33,89	-28,2
8	Турли сафар харажатлари	600,0	12,5	365,7	6,3	-238,3	-39,7
9	Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш-га	54,0	1,1	63,15	1,1	9,15	+16,9

	кетган харажатлар						
	ЖАМИ	4784,4	100,0	5741,29	100	+956,88	+20

Изоҳ: Маълумотлар Г.М.Шодиева тадқиқотларидан олинган

3-илова

Самарқанд вилоятида кузатилган 304 оиланинг 4 кишидан иборат 27 та оиласи бўйича 2004-2005 йиллардаги харажатлари таркиби
(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар (оилавий харажатлар турлари)	2004 йил		2005 йил		Фарқи (+;-)	
		миқ- дори минг сўм	улу- ши, %	миқ- дори минг сўм	улуш и, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кечадиган харажатлар	1318,5	25,3	1327,10	24,8	+8,6	+6,52
2	Нооziқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кечадиган харажатлар	802,6	15,4	798,0	14,91	-4,6	-0,57
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	172,1	3,30	195,5	3,65	+23,4	13,6
4	Каммунал хизмат тўловлари	138,3	2,66	144,0	2,69	+5,7	4,12
5	Соғломлаштириш ва тиббиёт хизматлари	112,0	2,15	104,0	1,95	-8,0	-7,14
6	Мулкларни ишлатишга кечадиган харажат (автомобил транспорт ва бошқа)	1398,0	26,83	1467,5	27,42	+69,5	+4,97
7	Турли хизматлар учун кетган харажатлар	114,8	2,20	111,8	2,09	-3,0	-2,61
8	Турли сафар харажатлари	344,4	6,61	380,6	7,11	+36,2	+10,51
9	Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш-га кетган харажатлар	810,0	15,55	822,7	15,38	+12,7	1,57

	ЖАМИ	5210,7	100,0	5351,7	100	140,5	
--	------	--------	-------	--------	-----	-------	--

Изоҳ: Маълумотлар Г.М.Шодиева тадқиқотларидан олинган

4-илова

Самарқанд вилоятида кузатилган 304 оиланинг 5 кишидан иборат 56 та оиласи бўйича 2004-2005 йиллардаги харажатлари таркиби

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар (оилавий харажатлар турлари)	2004 йил		2005 йил		Фарқи (+;-)	
		миқ-дори минг сўм	улу- ши, %	миқ- дори минг сўм	улуш и, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	1136,3	26,47	1341,7	26,91	+205,4	18,07
2	Нооziқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатлар	596,1	13,88	708,3	14,21	+112,1	+18,82
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	54,6	1,27	55,3	1,11	+0,7	+1,28
4	Каммунал хизмат тўловлари	72,4	1,68	76,7	1,54	+4,3	+5,93
5	Соғломлашти-риш ва тиббиёт хизматлари	300,0	6,99	400,0	8,02	+100,0	+33,33
6	Инвестицияга қўйилган харажатлар	150,0	3,49	182,0	3,65	+32,0	21,33
7	Мулкларни ишлатишга кетадиган харажатлар	700,0	16,31	911,0	18,27	+211,0	+30,14
8	Турли хизматлар учун кетган харажатлар	367,0	8,54	232,6	4,66	-134,4	-36,63
9	Турли сафар харажатлари	307,0	7,15	376,0	7,54	+69,0	+22,47
10	Интеллектуал салоҳиятни						

	ривожлантириш-га кетган харажатлар	609,1	14,22	701,9	14,09	+92,8	+15,23
	ЖАМИ	4292,5	100	4965,5	100	+693	+16,14

Изоҳ: Маълумотлар Г.М.Шодиева тадқиқотларидан олинган

5-илова

Самарқанд вилоятида кузатилган 304 оиланинг 6 кишилик 69 та оиланинг ўртача кўрсаткичларининг 2004-2005 йиллардаги харажатлари таркиби

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар (оилавий харажатлар турлари)	2004 йил		2005 йил		Фарқи (+;-)	
		миқ-дори минг сўм	улу- ши, %	миқ- дори минг сўм	улуш и, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	2160,0	44,2	2200,0	42,1	+40	+1,85
2	Нооziқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатлар	280,0	5,7	300,0	5,7	+20	+7,14
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	72,0	1,4	83,0	1,5	+11	+15,27
4	Каммунал хизмат тўловлари	36,0	0,7	40,0	0,7	+4	+11,11
5	Соғломлашти-риш ва тиббиёт хизматлари	180,0	3,7	190,0	3,6	+10	+5,55
6	Инвестицияга қўйилган харажатлар	160,0	3,2	180,0	3,4	+20	+17,5
7	Мулкларни ишлатишга кетадиган харажатлар	700,0	8,4	1000,0	19,1	+100	+11,11
8	Турли хизматлар учун кетган харажатлар	148,0	1,0	152,0	2,9	+4	+2,7
9	Турли сафар харажатлари	320,0	6,5	350,0	6,6	+30	+9,37
10	Интеллектуал						

	салоҳиятни ривожлантириш-га кетган харажатлар	625,0	13,2	730,0	14,4	+105	+16,8
	ЖАМИ	4881,0	100	5225,0	100	7344	+7

Изоҳ: Маълумотлар Г.М.Шодиева тадқиқотларидан олинган

6-илова

Самарқанд вилоятида қўзатишга 304 оиланинг 8 кишидан иборат 32 та оиласи бўйича 2004-2005 йиллардаги харажатлари таркиби

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар (оилавий харажатлар турлари)	2004 йил		2005 йил		Фарқи (+;-)	
		миқ-дори минг сўм	улу- ши, %	миқ- дори минг сўм	улуш и, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	2624,0	50	3295,2	51,2	+671,2	+1,2
2	Нооziқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатлар	839,7	16	901,0	14	+61,4	-2
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	26,2	0,5	32,2	0,5	+6,0	0
4	Каммунал хизмат тўловлари	167,9	3,2	231,7	3,6	+63,8	+0,4
5	Соғломлашти-риш ва тиббиёт хизматлари	157,4	3	257,4	4	+100,0	+1
6	Мулкларни ишлатишга кетадиган харажатлар	52,5	1	128,7	2	+76,2	+1
7	Турли хизматлар учун кетган харажатлар	262,4	5	193,1	3	-69,3	-2
8	Турли сафар харажатлари	839,7	16	901,0	14	+61,4	-2
9	Интеллектуал салоҳиятни						

	ривожлантириш-га кетган харажатлар	278,1	5,3	45,6	7,7	+217,4	+2,4
	ЖАМИ	5248,0	100	6436,0	100	1188,0	

Изоҳ: Маълумотлар Г.М.Шодиева тадқиқотларидан олинган

7-илова

Самарқанд вилоятида кузатилган 304 оиланинг 10 кишидан иборат 23 та оиласи бўйича 2004-2005 йиллардаги харажатлари таркиби

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар (оилавий харажатлар турлари)	2004 йил		2005 йил		Фарқи (+;-)	
		миқ-дори минг сўм	улуши, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	4747,1	69,9	5113,1	71,20	+366,0	+7,7
2	Нооziқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатлар	476,0	7,01	511,3	7,12	+35,31	+7,4
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	36,0	0,5	41,7	0,6	+5,7	+15,8
4	Каммунал хизмат тўловлари	144,6	2,1	160,1	2,2	+15,5	+10,7
5	Соғломлашти-риш ва тиббиёт хизматлари	322,5	4,8	266,4	3,7	-56,1	-17,4
6	Мулкларни ишлатишга кетадиган харажатлар	222,7	3,3	220,5	3,1	-2,3	-1,01
7	Турли хизматлар учун кетган харажатлар	146,6	2,2	125,7	1,8	-20,9	-14,3
8	Турли сафар харажатлари	277,8	4,1	256,4	3,6	-21,5	-7,7

9	Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш-га кетган харажатлар	416,9	6,1	486,2	6,8	+69,3	+16,6
	ЖАМИ	6790,3	100	7181,3	100	+391,0	+5,7

Изоҳ: Маълумотлар Г.М.Шодиева тадқиқотларидан олинган

8-илова

Самарқанд вилоятида кузатилган 304 оиланинг 11 кишидан иборат 18 та оиласи бўйича 2004-2005 йиллардаги харажатлари таркиби

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар (оилавий харажатлар турлари)	2004 йил		2005 йил		Фарқи (+;-)	
		миқ-дори минг сўм	улу- ши, %	миқ- дори минг сўм	улуш и, %	миқ-дори минг сўм	улуши, %
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига кетадиган харажатлар	5221,7	72,9	5755,5	78,4	+533,8	+10,2
2	Нооziқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатлар	724,9	10,1	658,5	9,0	-66,4	-9,2
3	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	284,4	4,0	167,4	2,3	-117,0	-41,1
4	Каммунал хизмат тўловлари	152,6	2,1	143,9	2,0	-8,7	-5,7
5	Соғломлашти-риш ва тиббиёт хизматлари	118,9	1,7	117,5	1,6	-1,44	-1,2
6	Инвестицияга қўйилган харажатлар	66,6	0,93	34,5	0,47	-32,1	-48,2
7	Мулкларни ишлатишга кетадиган харажатлар	149,7	2,1	102,1	1,4	-47,7	-31,8
8	Турли хизматлар учун кетган харажатлар	80,9	1,1	36,7	0,5	-44,2	54,7
9	Турли сафар						

	харажатлари	119,6	1,7	91,0	1,2	-28,6	-23,9
10	Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш-га кетган харажатлар	243,5	3,4	234,3	3,2	-0,2	-3,8
	ЖАМИ	7162,8	100,0	7341,2	100	+178,4	+2,5

Изоҳ: Маълумотлар Г.М.Шодиева тадқиқотларидан олинган

9-илова

Хурматли сўровнома иштирокчиси биз ўзимизнинг Самаръанд вилояти оила хўжаликларида харажатларни тартибга солишга ларатилган ушбу сўровномамизда иштирокингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамыз

1. Исми шарифингиз -----

2. Оила аъзоларингиз сони

2 киши	3 киши	4 киши	5 киши	6 киши	7 киши	8 киши	9 киши	10 киши

3. Оиладаги даромад келтирувчи иш билан шуғулланувчилар сони

1 киши	2 киши	3 киши	4 киши	5 киши	6 киши	7 киши	8 киши	9 киши	10 киши

4. Яшаш ҳудудингиз

Шакарда	Қишлолда

5. Оила бошлиғи

Эркак	Аёл

6. Оиланинг даромад манбалири ва миъдори (тахминий).

№	Даромад моддалари	Суммасм	Улуши
1	Иш ҳаљи		
2	Нафаља, пенсия, стипендия		
3	Мулкдан даромадлар		
4	Қимматбако лўғозлардан даромадлар		
5	Қишлол хўжалик мақсулотлари сотишдан тушган даромадлар.		
6	Тадбиркорлик фаолияти даромадлари.		
7	Хайрия, насия ва моддий ёрдамлар.		

8	Қарз маблағлари.		
9	Бошлалар		
10	Жами	-	100,0

7. Оилада харажатларни ҳисобга олиб боровчи шахс

Ота	Она	Фарзанд

8. Оилада харажатларни амалга оширувчи шахс (Бозор љилувчи шахс)

Ота	Она	Фарзанд

9. Истеъмолга ажратилган маблағингиз миљдори _____ минг сњм

10. Оила истеъмолларини асосий моддалари ва уларнинг улуши љандай?

	40% гача	40 -50 %	50 – 60%	60 -7 0 %	70 -8 0%	80 -9 0 %	90-100%
Озиљ – овљатлар							
кийим кечаклар							

11. Хизматлардан фойдаланиш харажатлари оилада мавжудми, мавжуд бўлса љайсилари.

Хизматлар номи	Мавжудлиги тњђрисида белги
- Комунал хизматлар	
- транспорт хизматлари	
- молий хизматлар	
- Банк хизматлари	
- молия хизматлари	
- таълим хизматлари	
- тиббий хизматлар	

12. Оилада таълим оловчилар мавжудми ва уларнинг харажатлари љандай.

№		Таълим оловчилар сони	Пуллиқ	Бепул
	-Мақтабгача таълимда			
	-умумий љрта таълимда			
	- љрта махсус таълимда			

	-касб –қунар коллежи			
	-академик лицейларда			
	-Олий таълимда			
	-мактабдан ташъари таълимда			

13. Оиладаги бошъа харажатлар.

Съровномада иштирокингиз учун рахмат.